Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1988 йил 26 февраль
ЖУМА
№ 47 (4.243).

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА МАКТАБ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРЛАРИ ПЕДАГОГИКА СОҲАСИДА ИЖОДКОРЛИККА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ОЧМОҚДА

Ундан кейин халқ учун энг азиз нарса—мактаб... Бу қадимий ҳақиқат, аммо унинг юксак даражада адолатли эканлиги ҳозирги вақтда янгичасига ўткир сезилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг пленуми Кремлда икки кун давомида халқ маорифининг муаммолари ва истиқболларини муҳокама қилди.

Кремль минбаридан олис-олислар кўриниб туради—бундай кунларда гўё ҳар биримизнинг дунёқарашимиз кенгаяди, нуқтаи назаримиз ўткирлашади.

Бизнинг мактабимиз социализм қисматига тушган барча меҳнат ва жангларда халқ билан бирга бўлди. Бизнинг ўтмишимиз мана шу ердадир, мамлакатимизнинг шон-шуҳрати ва қудрати, унинг маънавий бойлиги, ахлоқий қадриятлари шу ердан бошланади. Бизнинг ҳозирги кунимиз ҳам мана шу ерда ўз аксини топади. Ҳаммамиз мактабда таълим олганмиз. Бизнинг фазилатларимиз ва камчиликларимиз, бугунги кунда бизни қувонтираётган ва ташвишга солаётган, бизга таянч бўлаётган ёки кураш олиб боришимизга мажбур қилаётган нарсаларнинг ҳаммаси мактаб партасидан бошланган.

Мактаб ва жамият бир-биридан ажралмасдир. Бизнинг келажагимиз — яқин йиллар ичида қайта қуришга актив қўшиладиган, экономикамиз тараққиётининг янги тезлиги ва сифатини ўзлаштирадиган, ижтимоий муносабатларни ўзгартиришни давом эттириб, социализм тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган авлод ҳозир синфхоналарда ва аудиторияларда тарбияланмоқда.

Мактаб ижтимоий қайта қуришдан орқада қолаётганлигини кўриб, тобора кўпроқ ташвишланмоқдамиз. 1984 йилда эълон қилинган ислоҳот бир жойдан жилмаяпти, муаммолар ва зиддиятларга ўралашиб қолмоқда. Қотиб қолган бюрократик бошқарув, инспекторларнинг ўзбошимчалиги, расмиятчилик, «процентбозлик» педагогика коллективларининг ғайратини сўндирмоқда. Натижада ҳал қилувчи кучлар — муаллим, ўқувчилар ва студентларнинг ўз-ўзини бошқаруви мактабни қайта қуриш учун курашдан четда қолди. Билимнинг обрўси, таълим ва тарбиянинг сифати ҳамманинг кўз ўнгида пасайиб бормоқда.

Маориф идораларн эса принципсизлик билан ишларнинг аҳволини ўзлаштиришнинг кўнгилдагидек процентн билан, ҳамма мактабга жалб этилганлиги тўғрисидаги баландпарвоз маълумотлар билан яшириб келдилар. Матбуотнинг огоҳлантирувчи, танқидий мақолаларини менсимай, журналистларнинг биламасликни, носоғлом тасаввурлари, деб изоҳладилар. Бу нималарга олиб келди! Шу ўқув йилида давлат инспекцияси органлари мактаблар ва қунар-техника билим юртларини битириб, олий ўқув юртларининг биринчи курсида ўқитган 27 минг йигит ва қизнинг умумтаълим тайёргарлигини текширдилар. Студентларнинг 25 процентн ва техникумлар ўқувчиларининг 45 процентн контрол топшириқларини уддалай олмадилар.

Партия Марказий Комитетн пленумининг ҳужжатлари энг аввало маориф соҳасида қайта қуришга тўсқинлик қилаётган барча омилларни чуқур таҳлил қилишга ўргатади, совет мактабининг реал аҳволнга ва келажагига дадил, ошкора, эски андозалар билан ҳаралашмаган тарзда назар ташлаш намунасини кўрсатади. Пухта ўйланган, ҳаёт мантиқига, социализмнинг бой имкониятларига мос келадиган ҳилма-ҳил чоралар кўрилаётганлигининг сабабн ҳам ана шундадир. Ҳаракатларнинг синовдан ўтган қатъийлигн ҳам ана шундан келиб чиқади.

Умумтаълим ва қунар мактабн ислоҳотн йўл-йўриқларига киритилган туб ўзгаришлар авж олиб кетган жамиятни қайта қуриш идеологияси ва парктикасига мувофиқдир, унинг асосий мазмунига — асосий эътиборни инсонга, унинг эҳтиёжларн ва манфаатларига қаратишга мос келади.

Бизнинг мактабимиз ақлдарастлар тиқиштирган бир хилликдан халос бўлиб, ўзининг умумтаълим бериш вазифасини кучайтириб, ун индивидуалликка татбиқан ривожлантиришн, ҳар бир ўқувчи ўз истеъдодини рўёбга чиқаришн учун тенг имконият яратиб беришн, таълимни табақалаштиришн лозим. Маориф мақсадларн ва вазифаларининг бирлиги мактабларнинг ҳилма-хиллиги билан, ўқув планларн ва программаларнинг ўзгарувчанлиги билан уйғун қўшилиб кетиши, илғор педагогик практикага, таълим ва тарбиянинг новаторларча методларига таянниш лозим.

«Маориф министрликлари» йиллар давомида эмас, балки ўн йилликлар давомда ўқитувчиларнинг регламентга солинмаган фикрини жиловлашга, юқоридан берилган кўрсатмалар доирасидан ташқарига чиқадиган ҳар қандай ташаббусни йўққа чиқаришга урининб келдилар. Ана шу сабабдн қанчадан-қанча истеъдодли педагоглар мактабни ташлаб кетди! Бутун матбуот ёзиб чиққан янги типдаги ўқув юрти (комплекс мактаб)нинг истиқболлари тажрибаси бир расмиятчи томонидан сўзсиз қораланганлигн кабн ачинарли ҳол унутилганн йўқ: бу тажриба унинг мактаб бирлигн принципн тўғрисидагн тасаввурига мос келмаган эдн. Чиқарнш учун тайёрлаб қўйилган китоб ҳам бекор қилиндн (териб қўйилган ҳарфлар сочиб юборилдн) ва унн тайёрлашга даҳлдор кишилар ҳам жазоланди.

Ҳа, турғунлик сарн борилган йиллар шунн қаттиқ сабоқ бўлиб эслатиб турибдн. Янгиликнн яратишда унинг ўрнини боса оладиган нарсалар қанчалик кам бўлса, хато юз бериш имконнятн шу қадар кўпроқ бўладн, истеъдод, ташаббус, новаторлик кўрсатиш доирасн шу қадар тор бўладн.

Мактаблардаги ўқитувчилар хоналарида, олий ўқув юртларининг кафедраларида партня пленумнинг ҳужжатлари нақадар баланд руҳ билан ўрганилишнн тасаввур этиш қнйин эмас. «Бизда янги пайдо бўлган, қнёфаси истеъдодли, бир қолипда фикр юритмайдиган ва ишга садоқатли педагоглар фаолиятн билан белгиланадиган мактаб куртакларнин топтаб ташламаслик, балки ҳар томонлама авайлаб-асраш керак», деган партиянинг қатъий ва ғамхўрона наказн ҳаяжонли мннатдорчилик туйғуларнн келтириб чиқарадн.

Пленум таклиф қилган узлуксиз таълим концепциясида умумтаълим мактабига келгусида малакали ишчн ва мутахассис кадрларнн тайёрлаш учун, шахсни ҳар томонлама камол топтнш, ўз билимн ва малакасини ошириб боришн учун базавий бўғин ролн ажратилган.

Маориф системасини яхлит социал-маданий муассаса сифатида унинг барча компонентлари билан мустаҳкам узвий боғлиқ ҳолда комплекс ўзгартирнш вазифасн биринчи марта қўйилдн. Бу — маориф проблемаларига янгнча ёндашувнинг муҳим жиҳатидир. Яна бир ғоят муҳим жиҳати — маориф системасига қайта қуришнинг, жамиятнн ривожлантирншнинг энг таъсирчан кучларидан бирн, деб қаралшдан иборат.

Мактаб ҳамма даврларда жамиятнинг ўзига хос моделн бўлган. Ҳозир мактаб ижтимоий тараққиётнинг жадаллаштирувчи омилн, катализатори ролини қайтариб олиши лозим. Мактаб инсон омилини тарбиялашнинг етакчи кучи, революцион қайта қуришнинг муқаррарлигини таъминлайдиган механизмни ҳаракатга келтирувчи қисми бўлиши керак.

Халқ маорифининг барча муаммолари, ҳамма қийинчиликлари Марказий Комитет пленумида чуқур мулоҳаза қилинди. Умумтаълим, қунар ва олий мактабни кенг кўламда техника билан қайта жиҳозлашни, моҳкамачилик ғовларнни бартараф этиб,халқ маорифи соҳасида амалда ягона давлат сиёсатини ўтказишни, барча турдаги ўқув юртлари, илмий ва ишлаб чиқариш коллективлари мустаҳкам бақамжиҳат ҳаракат қилишнн ўз ичига олган комплекс программа тузилди.

Ўқувчилар куч-ғайратларнинг ижтимоий аҳамиятн ошиб боради. Билим олиш меҳнатнин ўқув жараённ билан боғлиқ бўлмаган қўшимча мақсадлар билан қадрсизлантирш мумкин эмас. Давлат аттестатн, дипломга тўла ўзлаштирилган билимн билан ҳақ тўлаш керак. Ҳунар-техника билим юртларнни тамомлаган ёшларнинг малака даражаси ҳозир кўпинча ишлаб чиқаришни ривожлантирншнинг технологик жўшқинлигидан орқада қолаётганлигн яроқсиз ҳолднр. Ҳунар-техника таълими эртанги кунни кўзда тутувчи юқорн малакали кадрлар тайёрлашнинг ягона давлат системасн сифатида ривожлантирилшн ва мустаҳкамланшн керак.

Халқ хўжалигнинн инженер кадрлар билан таъмнилашда узоқ вақт давом этган номутаносиблнкнн бошқарувдагн ношудлнк ва калтабинликдан бошқа ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайдн. Олий ўқув юртларн бир қанча ихтисослар бўйнча керагидан ортиқча мутахассислар тайёрлаб, электронна, асбобсозлик, автоматика, робот техникаси, биотехнология кабн техника тараққиётнинг устун йўналишларига етарлн миқдорда мутахассислар тайёрлаб бермаяпти. Олий мактаб жадал янгиланмоқда. Унн қайта қуриш йўлларн экономика ва соцнал тараққиётга янгнча ёндашувларнн ҳисобга олиб ишлаб чиқилган. Белгиланган қайта ташкил этиш программаси оғишмай, комплекс амалга оширилиши лознм.

Партия пленумн бизга ана шундай ёндашувдан сабоқ бермоқда. Пленумга тайёргарлнк давомида кенг жамоат кучларн сафарбар этилдн. Юзлаб турлн фикрлар, лойиҳалар, таклифлар тўпландн, таҳлил этилдн ва умумлаштирилдн. Хулосаларнинг кенглнгн, мнқёслари, олға сурилган программанинг амалийлигн, унинг демократнк, изланувчан характерн ана шундандир.

Партня Марказий Комитетининг пленумн қабул қилинган қарорларда иттифоқдош республикалар Компартияларнинг Марказий Комитетларн, ўлка, область, шаҳар, район партня комитетларн зиммасига ўқувчи ёшларга таълим ва тарбня бериш соҳасига снёсий раҳбарлик савиясинн қатъиян ошириш, ўқув юртларн ишининг мазмунини чуқур ўрганиш, вужудга келаётган муаммоларнн билимдонлик, ишчанлик билан ҳал этиш вазифасини юкладн. «Халқ маорифига партня раҳбарлигида, — дейилади қарорда, — педагог кадрлар тўғрисида, ўқитувчининг ижтимоий обрўсини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилишдан кўра масъулиятлироқ иш йўқ».

Шу кунларда биз ҳаммамиз имтиҳондан ўтмоқдамиз. Чуқур, ташвишли мулоҳазалар нақадар кўп айтилди! Ўқитувчилар, фан ва маданият арбоблари, ишлаб чиқариш ходимлари, турли даражадаги партня ва совет ходимлари мактаб тақдирн тўғрисида гражданлик, инсоний манфаатдорлнкнн нақадар кўп намоён этдилар! Фақат битта муассаса, бош педагогик муассаса — Педагогика фанларн академняси ном-мнм демади. Мазкур академия аввалгидек ҳозир ҳам юқоридан раҳбарлик кўрсатмаларнни кутиб, бепарволик билан муносабатда вақда қилнган умумтаълим ўрта мактабн концепцияснни, шуннгдек бошқа жуда кўп концепцияларни ололмадн.

Бу фактдан хулоса чиқарнб олиш керак. Педагогика фанларн академняснинг ҳозирги раҳбарларидан мактаб ва педагогика фанинн чинакамига қайта қуриш сарн силжиш бўлишнни кутиш хом хаёл бўлур эдн. Шуннгдек бу қайта қурншни келгусида академнянн қайта ташкил этишга қадар пайсалга солнб ҳам бўлмайдн. Мактаб ва педагогиканн янгилашнинг аниқ-равшан программасини ишлаб чиқиш учун ҳозирнинг ўзндаёқ ндоралараро муваққат кенг тадқиқот коллективн тузиш, унга энг яхшн педагогик кучларнн киритиш зарур. Ана шундай фаол ва ижодкор кучлар СССР Педагогика фанларн академнясида ҳам кўп. Педагогика назарнясинн унга ёпишиб қолган догматизм, қироатчнлик ва консерватизм ўсмнталарндан тозалаш ана шу коллективнинг дастлабки вазнфаларидан бирн бўлиши лозим.

Мактабни революцион янгилаш унинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган ҳамма жиҳатларнн бартараф этишнн, унинг ички тарбиявий ва таълим ресурсларнн, жамиятнн ўзгартирувчи, социалистик потенциалнни тўлароқ намоён қилишн керак. Бу эса педагогик ижодкорликни дадил, кенг ривожлантиришга йўл очиб бериш, педагогик новаторликнн ҳар томонлама авж олдирнш демакдир. Илғор кучлар билан консерватив кучлар ўртасидаги кураш кескин тус олган шароитда, педагогика бюрократняси қайта қуришга оид сўзларни актнв ўзлаштирнб, ҳамма ва ҳар қандай янгиликларни ўз қолипнга солишга урннаётган бир пайтда биз педагогика назарняси ва практикасида чинакам новаторликнн сохта новаторликдан сезгирлик билан фарқлашнн ўрганнб олишимиз лознм.

Эндиликда халқ маорифи идораларида вужудга келадиган олдинги даврлардан бизга таниш бўлган расмий ташаббуслар бизни мафтун эта олмайди. Педагогика соҳасидаги баъзи «назарнётчилар»нинг авторнтар педагогиканинг эскирган, бадном бўлган ғояларнни новаторлик ғоялари деб ўтказишга урнниширн бизни чалғита олмайди. «Пленум совет ўқитувчиларн ва профессорларн фаолнятнда ижодий ташаббусларни рнвожлантиришга, уларнинг ижтимоий активлигини қўллаб-қувватлаш ва юксалтиришга алоҳида аҳамнят берадн», — деб таъкидланади қарорда.

КПСС Марказий Комитетн февраль пленумидан олдин жуда кўп мунозаралар, баҳслар бўлиб ўтдн. Биз бунн тобора кўпроқ ҳаёт нормаси деб билмоқдамиз. Умумхалқ муҳокамаси тўхтатилмайди, балки пленум баён қилиб берган ғоялар юксаклигида давом эттирилади. Аммо бизнинг баҳсларимиз ишга хизмат қилиши лозим. Биз ҳар қандай қийинчиликларни ва ғовларни бартараф этиб, ҳамма жойда мактабни қайта қуришни охиригача етказишимиз керак. Энди — ҳаракат қилиш пайти келди! Зўр бериб ишлаш ва кенг педагогик ижодкорлик пайти келди.

«ПРАВДА»нинг 1988 йил 24 февраль сонидаги бош мақоласи.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

24 февраль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлиси бўлди. Мажлисда «Наваноазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети ва маъмуриятининг ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш, давлат корхонаси тўғрисидаги қонуннинг амал қилиши шароитидаги иши масаласи кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорнинг баёни матбуотда эълон қилинади.

Марказий Комитет бюросининг мажлисида Андижон шаҳар партия комитетининг аҳоли соғлиғини сақлашни ташкил этиш соҳасидаги иши кўриб чиқилди. Бу ишда катта камчиликлар борлиги, шаҳар партия комитетининг секретарлари Т. А. Ҳотамов, Э. М. Клюкина ўртоқлар соғлиқни сақлашга партиявий раҳбарликнинг зарур даражада бўлишини таъминлаётганликлари, уни жадал ривожлантириш учун самарали чора-тадбирларни кўрмаётганликлари таъкидлаб ўтилди.

Шаҳар «Саломатлик» программаси қониқарсиз амалга оширилмоқда, унинг бажарилишини ҳеч ким контрол қилмаяпти, тузилган соғлиқни сақлаш область комиссияси журъатсизлик, ташаббуссизлик билан ишламоқда, етилган муаммоларни ҳал этишдан ўзини четга олмоқда.

Болалик ва туғруққа ёрдам муассасалари, поликлиникалар, касалхоналар ва дорихоналарнинг кўпи эски ва мослашмаган биноларда жойлашган. Уларда ҳар бир бемор ҳисобига тўғри келадиган фойдали саҳн нормативда кўзда тутилганидан 2—3 баравар кам. Кўп миқдорда саноат, қурилиш, транспорт ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар жойлашган шаҳарда фақат битта медицина-санитария қисми ишлаб турибди. Бунинг устига унда стационар йўқ. Профилактик медицина кўрикларининг савияси жуда паст, ҳар-хилининг касалланиши даражаси камаймаяпти, гепатит билан касалланиш сони ўтган йилга нисбатан икки баравар кўпайди.

Болалик ва туғруққа ёрдам хизматининг аҳволи айниқса ташвиш туғдирмоқда. Акушер - гинекологларнинг малакаси паст, болаларга реанимацион ёрдам бериш йўлга қўйилмаган, интенсив терапия самараси талабга жавоб бермайди. Акушер-гинекологларнинг атиги 40 процентн оператив техника методларини эгаллаган. Бу масалаларда медицина институтининг имкониятларидан суст фойдаланилмоқда. Болаларнинг сут маҳсулотларига эҳтиёжларининг атиги 7 процентигина таъминланмоқда. Оилани планлаштириш ишлари олиб борилмаяпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси Андижон шаҳар партия комитетининг, унинг бюроси ва секретарларининг иши аҳоли саломатлигини сақлаш тўғрисидаги партия ва ҳукумат талабларига мос келмайди, шаҳарликларнинг эҳтиёжларини қондирмайди, деб ҳисоблади. Марказий Комитет бюроси шаҳар партия комитети зиммасига соғлиқни сақлашни қайта қуриш ва тармоққа партия раҳбарлигини таъминлаш масаласини шаҳар партия комитети пленумида кўриб чиқиш вазифасини юклади. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. А. Ҳотамовнинг соғлиқни сақлаш масалаларига ҳалол муносабатда бўлмасликнинг ҳар бир фактига принципиал баҳо берилади ва шу йил давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан узил-кесил чоралар кўрилади, деб ишонтирганларнн маълумот учун қабул қилинди.

Шаҳар партия комитетига бошланғич партия ташкилотларининг составини мустаҳкамлаш ва уларнинг жанговарлигини ошириш юзасидан қўшимча чораларни кўриш, соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини тубдан яхшилаш, соғлиқни сақлаш хизмати соҳасидаги коммунистларни, биринчи навбатда раҳбар ходимларни аттестациядан ўтказиш топширилди.

Марказий Комитет бюроси шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети зиммасига 1988 йил давомида шаҳардаги медицина объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан узил-кесил чораларни кўриш, авария ҳолатидаги ва эски биноларда жойлашган барча болалар медицина муассасаларини қулай биноларга кўчириш, зарур бўлган тақдирда шу мақсадда маъмурий биноларнн ва бошқа биноларданн фойдаланишни таъминлаш вазифасини юклади. Болалик ва туғруққа ёрдам муассасаларига алоҳида эътибор берилиши керак. Беш йилликнинг охирига қадар шаҳарликларнинг касалхоналардаги ўринларга ва амбулатория-поликлиника муассасаларига эҳтиёжлари қондирилсин.

Андижон область партия комитети аҳоли саломатлигини сақлаш тўғрисидаги қарорларнинг бажарилишини тегишли контрол қилмаётганлиги ва бу қарорларни амалга ошириш учун шаҳар раҳбарларига нисбатан қатиқ талабчанлик қилмаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Область партия комитетига икки ой ичида медицина муассасалари фаолиятини тубдан яхшилашни таъминлайдиган тадбирларни белгилаш, партия ташкилотлари секретарлари, совет, хўжалик органлари раҳбарларининг соғлиқни сақлашга доир ҳисоботлари партия комитетларида мунтазам эшитилишини таъминлаш топширилди. Регионда соғлиқни сақлаш учун Андижон давлат медицина институтининг методик роли оширилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси салбий сабаблар билан ишдан бўшатилган кадрларни бир раҳбарлик ишидан иккинчисига ўтказиш фактлари давом этаётганлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари раҳбар кадрларга нисбатан талабчанликни бирмунча ошириганликлари таъкидлаб ўтилди. Бироқ область, шаҳар ва район партия комитетлари ўз хатти-ҳаракатларн билан раҳбарлик лавозимлари ва масъулиятли лавозимларни эгаллаш учун маънавий ҳуқуқни йўқотган кишиларга нисбатан очиқлигича принципиал позицияда турмаётирлар.

Шунинг натижасида салбий сабабларга кўра ишдан бўшатилган кўпгина номенклатурадаги ходимлар ҳамон раҳбарлик лавозимларни эгаллаб туришибди. Бундай фактлар Қорақалпоғистон, Фарғона ва Қашқадарё область партия ташкилотларида айниқса кўп. Бу масалаларда Бухоро, Жиззах, Тошкент область партия комитетлари ҳам кўнгилчанлик қилмоқдалар.


Ваъзи партия комитетлари қўшиб ёзиб, кўзбўямачилик ва ўғирлик йўлига ўтиб олган раҳбарларга нисбатан етарли талабчанлик қилмаётирлар. Жиззах, Навоий, Фарғона областларида, Қорақалпоғистон АССРда ана шу сабабларга кўра ишдан бўшатилган кишиларнинг атиги ярмига, Қашқадарё областида эса фақат учдан бир қисмига нисбатан партиявий таъсир чоралари қўлланилган.

Қабул қилинган қарорда партия комитетлари кадрлар масаласини ҳал этишда хатоларни тақрорлаётганликлари, лавозимга тайинлашга тавсия қилинаётган ходимларнинг сиёсий ва маънавий фазилатларини, ишчанлигини чуқур ўрганмаётганликлари таъкидланди. Улар партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг ана шу ходимлар ҳақидаги фикрини етарли ҳисобга олмаётирлар, мансабдор шахсларнинг сайлаб қўйилиши демократик формаларидан журъатсизлик билан фойдаланмоқдалар.

Марказий Комитет бюроси Бухоро (ўртоқ И. Жабборов), Жиззах (ўртоқ И. С. Умаров), Қорақалпоғистон (ўртоқ Қ. Салиқов), Қашқадарё (ўртоқ И. А. Каримов), Фарғона (ўртоқ Ҳ. Ў. Умаров), Тошкент (ўртоқ Т. А. Алимов) область партия комитетлари биринчи секретарларининг эътиборини салбий сабабларга кўра ишдан бўшатилган кадрларни бошқа раҳбарлик лавозимларига тўғри келишидек хато практика давом этаётганлигига қаратдн. Партия комитетларига кадрлар билан иш олиб боришдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан сира кечиктирмай чора кўриш, кадрлар сафини тозалаш ишлини қатъий ва изчиллик билан ўтказиш топширилди. Раҳбар ходимлар орасида салбий ҳодисаларни таг-томири билан тугатиш мақсадида ўз обрўйини туширган кишилар олдинги хизматларидан қатъий назар бундан буён фақат оддий ишга ўтказилиши белгилаб қўйилди. Марказий Комитетнинг бўлимларига, область, шаҳар, район партия комитетларига кадрларни танлаш ва алмаштириш чоғида уларга диққат-эътибор билан, принципиал муносабатда бўлишни таъминлаш, кадрлар масалаларини ҳал этишда ошкоралик, коллегиаллик ва демократизм ҳар томонлама ривожлантирилишига эришиш топширилди.

Марказий Комитет бюроси қайта қуришга раҳбарлик юзасидан сайлаб қўйиладиган органларнинг ҳисоботлари давомида коммунистлар айтган, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми қатнашчилари билдирган танқидий мулоҳазалар ва таклифларни амалга ошириш тадбирларини кўриб чиқди ва тасдиқлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлисида баъзи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва бу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



СЕРҲОСИЛ НАВЛАР КЕРАК

Ғўзанинг вильт касаллигига қарши кураш олиб бориш билан шуғулланувчи Бутуниттифоқ мувофиқлаштириш кенгашининг 25 февралда Тошкентда очилган мажлиси касалликлар ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши бардошли янги тезпишар ва серҳосил ғўза навларини яратиш проблемаларига бағишланди.

Мажлис қатнашчилари — барча пахтакор республикадан келган олимлар ва мутахассислар ана шу жуда муҳим техника экинини парваришлаш ҳамда пухта асраш ягона комплекс программасини ишлаб чиқиш зарурати тўғрисида гапирдилар. Илмий муассасаларда ғўзани ҳимоя қилиш системасини ишлаб чиқиш етарлича интенсив бўлмаётганлиги таъкидланди. Тадқиқот коллективлари касалликларга қарши самарали биологик кураш методларини, заҳри оз химиявий препаратларни излашда сусткашлик қилмоқдалар. Алмашлаб экишда жорий этилаётган турли экинларнинг ғўзанинг вильтга чалиниш даражасини пасайтиришга чуқур таъсири ўрганилган эмас, конкрет тупроқ-иқлимий зоналарда бу касалликни қўзғатувчилар экологияси дуруст тадқиқ этилмаган.

Кенгаш бундан кейинги ишларнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Ўсиш даври 125—130 кундан ошмайдиган серҳосил ва вильтга чидамли ғўза навларини яратишга алоҳида эътибор берилди. Янги навларни интенсив технологияга, механизмлар воситасида парваришлаш ва ҳосилни териб олишга боп қилиб яратиш энг муҳим изланиш шартлари қилиб қўйилди.

(ЎзТАГ).

ДАЛАЛАР НАФАСИ

САМАРҚАНД РАЙОНИ

Ленин номли колхоз аҳли Ғани Сафаровни чуқур ҳурмат қилади. У ўттиз йилдан буён бригадир. Ҳалол меҳнатлари эвазига Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени билан тақдирланди, ҳамкишлоқлари бир неча марта район ва қишлоқ Советларига депутат этиб сайлашди. Ғани ака бошлиқ бригада бултур токзор ҳосилдорлигини гектар бошига 170, сабзавотникини 600 центнерга етказди. Коллектив бу йил ҳам юксак марраларни кўзламоқда. Дала ишларни намунали ташкил этилган. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, тажрибали бригадир Ғ. Сафаров барчага бош-қош.

Ю. АТОЕВ.

ТОШЛОҚ

Ер тўйса — эл тўяди, дейди халқимиз. Бу нақлнн яхши билган «Фарғона» колхозн деҳқонлари шу кунларда далага маҳаллий ўғит чиқаришга катта эътибор беришаяпти. Унумдорлик отряди аъзолари ҳар куни 80—90 тонна гўнг жамғариб, карта четига кўмиб қўйишмоқда. Улар ҳозиргача 5 минг тонна маҳаллий ўғит тўплашди. Бу ишда Исоқжон Тошматов, Имомали Эргашев каби механизаторлар ғайрат кўрсатишаётир.

Т. ҲОТАМОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ МАТЕРИАЛЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил 17—18 февралда бўлиб ўтган пленум материаллари алоҳида китобча қилиб чиқарилди.

Китобчани сиёсий адабиёт нашрнёти чиқарди.

Коммунист Мавлуда Мирабдуллаева Наманган районидаги Дзержинский номли колхоз сигирсоғарлари мусобақасида пешқадамлик қилаяпти. Сермеҳнат юмушларнн тўлалигича техника зиммасига юкланган бу оператор қарамоғида 48 бош говмиш бор. Мавлуда айни кунларда ҳар сигирдан 10—12 килограммдан сут соғиб олаётир. Моҳир чорвадор бунга илғорлар тажрибасини жорий этиш ҳисобига эришмоқда.

П. АКБАРОВ фотоси.

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети шонли юбилей — музаффар февралнинг 40 йиллиги муносабати билан ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари М. Якешга, ЧСР президенти Г. Гусакка, ЧССР ҳукуматининг раиси Л. Штроугалга, Чехословакия Социалистик Республикасининг барча меҳнаткашларига самимий табриклар йўлладилар.

Февраль ғояларига ва мақсадларига содиқ бўлган ЧКП, — дейилади жумладан телеграммада, — ҳозирги вақтда коммунистлар, ишчилар синфи ва бутун халқнинг куч-ғайратини мамлакатни ривожлантиришнинг, социалистик тузумни такомиллаштиришнинг энг муҳим проблемаларига сафарбар этмоқда. ЧКП Марказий Комитетининг 1987 йил декабрь пленуми ўртага қўйган ЧКП XVII съездининг социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга, бутун ижтимоий ҳаётни комплекс қайта қуриш ва демократиялашга қаратилган йўлини изчиллик билан амалга ошириш программаси бунга йўл очиб беради.

Телеграммада халқларимиз ва давлатларимизнинг мустаҳкамланиб бораётган иттифоқи бундан буён ҳам социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлашга қўшилган катта ҳисса бўлади, тинчлик ва социал тараққиёт ишига хизмат қилади, деб ишонч билдирилади.

(ТАСС)





«Самаркандводстройиндустрия» трестига қарашли темир-бетон буюмлари заводида ўзининг сидқидил меҳнати, камтарлиги, жонкуяр ва ташкилотчилиги билан ажралиб турувчи ишчилар кўп. Смена топшириқларини ошириббажараётган 2-цех бетончилари Нафиса Файзулина ва Рифкат Нурмуҳамедов ана шулар жумласидан. Кўпчиликка намуна бўлаётган ишлаб чиқариш илғорлари қолоқларга ёрдам кўрсатиш, керакли маслаҳатлар бериш учун ҳамиша тайёрдирлар.

СУРАТЛАРДА: ишлаб чиқариш пешқадамлари Н. Файзулина ҳамда Р. Нурмуҳамедов.

Г. АЛИЕВ фотоси.

Мелиораторлар ҳақида ҳикоялар

ЭКСКАВАТОРЧИ ФЕРДАУС ЖАППОРОВ

...Ҳар душанба куни эрта тонгда Бухородан чиққан усти ёпиқ юк машинаси Қизилқум кенгликлари сари йўл олади. Экскаваторчи ва бульдозерчилардан иборат аҳил бригада аъзолари дам олиш куни оилалари бағрида бўлиб, ҳордиқ чиқаришиб, янги куч-янги ғайрат билан канал трассасига кетишади. Бригада аъзоларидан бири бугун меҳнат отпускасидан қайтди. У қандай дам олгани, туғилиб-ўсган диёри — Украинадаги ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида ҳамкасбларига мароқ билан ҳикоя қилиб бормоқда. Кимнингдир қўлидаги радиоладан тонгги концерт таралаётир. Тажрибали экскаваторчи, Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган механизатор Фердуас Жаппоров касбдош ўртоқларига, шогирдларига бир-бир разм соларкан, шундай ажойиб кишилар билан меҳнат қилаётганлигидан фахрланади, заминни яшнатиш ишига ҳисса қўшаётганлиги туйғуси қалбини тўлқинлантиради. Гидромеханизаторлар хушчақчақ гурунг билан трассага етиб келишганини ҳам сезишмади.

Кўчма вагончалар бир зумда гавжум бўлиб қолди. Бригада аъзолари коржомаларини кийиб, экскаватор ва бульдозерларини ишга тушириб юборишди. Суръат тобора ошиб борди. Биринчи смена эстафетани иккинчисига топширди. Қазилган тупроқ ҳисоблаб чиқилиб, ким энг кўп иш бажаргани аниқланди. Фердаус Жаппоров ўз экскаватори билан ҳаммадан кўп тупроқ қазигани маълум бўлди. Участка мастери ҳар бир гидромеханизатор ишининг сифатини синчиклаб кўздан кечирди, каналнинг чуқурлиги, ён-бағирларининг қиялиги лойиҳада кўрсатилганидек эканлигига ишонч ҳосил қилди.

Кеч кирди. Чўл изғирини кишининг юз-кўзини чимдиди. Кўз илғамас қум тепаликлари устига оқшом чўкди. Зимзиё қоронғиликда экскаватор ва бульдозерларнинг чироқлари канал трассасини ёритади, кўчма вагонлардан атрофга ёғду, шўх кулги таралади. Гидромеханизаторлар бундай чўл шароитида ишлашга, қийинчиликларни мардонавор енгишга ўрганишган. Ёзнинг жазирама иссиғида, қишнинг қаҳратон совуғида Қизилқумда ишлашга ҳар ким ҳам кўникавермайди. Фердаус Жаппоров ва унинг ҳамкасблари чўл синовидан ўтган, қийинчиликлардан қўрқмайдиган мард кишилар. Уларнинг кўпчилиги 15—20 йилдан бери бир бригадада ишлаб келишаяпти, дўст-қадрдон, ака-укадек бўлиб кетишган.

Фердаус Жаппоров — қрим татар халқининг фарзанди. У Қрим областида туғилган бўлса-да, болалиги, ўсмирлиги серқуёш Ўзбекистонда ўтди. Шу ерда ўсиб-улғайди, касб-ҳунар ўрганди, сахий замин ва унинг заҳматкаш одамларига меҳр қўйди. Меҳнат фаолиятининг дастлабки даврида Мирзачўлни ўзлаштирувчилар сафида бўлди, қўриқни гуллатиб-яшнатишга ўз улушини қўшди. Эллигинчи йилларнинг охирларида республика сув хўжалиги қурилишининг зарбдор объектларидан бири ҳисобланган Бухоро областидаги Денгизкўл коллекторига кўп жойлардан тажрибали гидромеханизаторлар жалб этилди. Фердаус Жаппоров Мирзачўлдан бир неча ҳафтага ана шу қурилишга командировка қилинди. У бошқаларга ўрнак кўрсатиб, ғайрат-шижоат билан ишлади, эришган кўрсаткичлари кўпчиликнинг эътиборини тортди. Командировка муддати тугагач, Жаппоров Қизилқум кенгликларига жуда ўрганиб қолганлигини ҳис этди, дилида шу жойларда бутунлай ишлаб қолиш истаги туғилди. Бухоро мелиораторларига унинг билимдонлиги, ҳамкасбларига ғамхўрлиги ёқиб қолганди. Мезбонлар Фердаусга ўз сафларига қўшилишни таклиф этишди. Шу тариқа Жаппоров Бухоро гидромеханизаторлари отрядига қўшилди. Кўп ўтмай яна бир зарбдор объект — Аму-Бухоро машина каналининг биринчи навбати қурилиши бошланиб кетди. Фердаус Жаппоров бир куни бошқарма партия комитетига келиб, ўз таклифини қуйидагича ифода этди:

— Мен экскаваторчиман. Сиз тасаввур қилингки, канал қазияпман. Экскаватор чўмичи билан тупроқ олиб ташлаяпман. Канал қирғоғи тупроқ уюмлари билан тўлди. Янада чуқурроқ қазиш ва кенгайтириш учун бир-икки марта қайта ўтиш керак. Бунинг учун бульдозер ёрдамида қирғоқдаги уюмларни суриб, текислаш лозим. Шундай пайтлар ҳам бўладики, бульдозерни кутиб анча вақтимиз бекор кетаяпти. Мен экскаваторчи ва бульдозерчилар алоҳида нарядлар бўйича эмас, балки комплекс ҳолда ишлашни таклиф қиламан. Шунда умумий манфаатдорлик ошади, ҳамкорликда иш олиб бориб юқори кўрсаткичларга эришишга бўлган интилиш кучаяди.

Бу қимматли таклиф бошқарма маъмурияти, партия ва касаба союз комитетлари томонидан қизғин маъқулланиб, қўллаб-қувватланди. Экскаваторчи ва бульдозерчилардан иборат комплекс бригадалар тузилди. Янгилик ўзининг ажойиб мевасини берди, меҳнат унумдорлиги кескин ошди. Коллективлар ўртасида беш йиллик топшириқни уч йилда адо этиш ташаббуси кенг қулоч ёйди. Фердаус Жаппоров бошчилигидаги бригада ана шу меҳнат беллашувида кўп марта ғолиб чиқиб, донг таратди.



Биз ҳикоя қилаётган экскаваторчи Фердаус Жаппоров қариб қирқ йилдан бери шу касбни эъзозлаб келаяпти. Шу даврнинг ўн йилга яқинида Мирзачўлни ўзлаштирувчилар сафида ишлаган бўлса, деярли ўттиз йилдан бери Бухоро сув хўжалиги қурилишларида фидокорона меҳнат қилмоқда. У Аму-Бухоро машина каналининг биринчи ва иккинчи навбатларини қазишда, кўплаб насос станциялари сув омборлари, гидротехник иншоотлар қурилишида жонбозлик кўрсатди. Ўз ишига ҳамиша сидқидилдан ёндашгани туфайли эл-юртда обрў-эътибор қозонди. Ленин ордени ва бошқа нишонлар билан тақдирланди, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор унвонига сазовор бўлди, район, посёлка Советлари депутатлигига сайланди. Буларнинг ҳаммаси бепоён мамлакатимизда барча миллат ва элат вакиллари, шу жумладан қрим татар халқининг фарзандлари ҳам тенг ҳуқуқли эканлигини тасдиқлайди. Фердаус аканинг оиласи ҳам кўпчилик учун ибратли. У рус фарзанди Надежда Ивановна билан турмуш қуриб, ўғиллари Александр, қизлари Светланани замонамизга муносиб қилиб тарбияладилар. Уларнинг бири ишчи, иккинчиси врач бўлиб етишди.

Фердаус Жаппоров ҳозирги пайтда Орол денгизи муаммоси ҳал этилиши билан боғлиқ улкан сув хўжалиги қурилишида меҳнат қилаяпти. У ҳамкасблари — «Главсредазирсовхозстрой» нинг Бухородаги механизациялашган 39-кўчма колоннаси гидромеханизаторлари билан биргаликда Шўрдарёни қазишда жавлон урмоқда. Ана шу йирик коллектор орқали Бухоро, Навоий ва Қашқадарё областлари экинзорларидан чиққан зах сувлар, кейинги ўн йилликларда Қизилқумда пайдо бўлган катта-кичик кўлларнинг суви Орол денгизи сари оқизилади. Тажрибали экскаваторчи бу ғоят муҳим қурилишда ҳам ҳар вақтдагидек ҳамкасбларига намуна бўлаяпти.

С. САЙДАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ДЕҲҚОН ТАОМИЛИ

ПУШТАГА ЭКИНГ, ФОЙДАСИ СИЗНИКИ

Пахта етиштиришнинг дастлабки йилларида жўяк олиниб чигит пуштага экиларди. 30-йилларга келиб пахтачиликни механизациялаш бошланиши билан чигит текис далаларга экила бошланди. Шундан буён кўп вақт ўтди. Пахтачилик экстенсив асосда, яъни майдонларни кенгайтириш ҳисобига ривожланди. Аммо қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни шу йўл билан ривожлантириш кенг истиқболлар очиб бера олмас эди. Чунки чигит экиладиган ерлар ҳам, иқлим шароити қулай зоналар ҳам чекланган. Шунинг учун ҳозирги даврда пахта етиштириш ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўпайтириб борилиши керак. Бунга янги технологияларни қўлланиш йўллари билан эришиш мумкин. Чигитни пуштага ва эгатга экиш ана шундай механизациялашган технология усулларидан биридир.

СоюзНИХИ, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тупроқшунослик ва агрохимия институтининг маълумотларига кўра, бундай технология ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосилини 3—5 центнер оширади. Тупроқ-иқлим шароитларига қараб бу технология бир неча усулда қўлланилади. Масалан, Сурхондарё областида, Қашқадарё ва Наманган областларининг баъзи районларида чигитни тупроқнинг табиий намида ундириб олиш қийин. Шунинг учун бу районларда кўп йилларда буён аввал эгат очиб кейин чигит экиш усули қўлланилади. Бу усул шундан иборатки, дала экиш учун тахт қилингач, баҳорда чигит экишдан 15—20 кун олдин культиватор ёки бошқа мосламалар билан эгат олинади. Сўнгра нам тўплаш учун суғорилади, тупроқ етилиши билан борона босилади.

Бороналаш, одатда, занжирли тракторлар ёрдамида суғориш эгатларига нисбатан қия ёки кўндалангига ўтказилади. Шундан кейин чигит экилади. Бу усулнинг афзаллик томонлари билан бирга камчиликлари ҳам бор. Биринчидан, культиватор ва бошқа мосламалар билан олинган суғориш эгатлари чигит экиш агрегати йўлига ҳамиша мос келавермайди. Иккинчидан, бир марта ортиқча борона босилади. Учинчидан, бороналашда суғориш эгатлари текислаб юборилиши, чигит гоҳ нам тупроққа, гоҳ қуруқ тупроққа тушиши туфайли унинг бир текис униб чиқиши ва авж олишига путур етади.

Чигитни пуштага экишнинг энг қулай усули қуйидагилардан иборат. Аввал ГХ-4 маркали механизм билан эгатлар олиб чиқилади. Унда олинган эгатлар қатор ораси чигит экиш агрегатининг қатор орасига мос келади. Нам тўплаш учун суғорилиб, тупроқ етилиши билан чигит экишга киришилади, уруғ майин тупроққа тушади, сеялканинг махсус мосламаси уни нам тупроқ билан қўмиб кетади. Борона босишга ҳожат қолмайди, бинобарин тупроқ ортиқча зичланишдан сақланади, маблағ тежалади. Энг муҳими, чигит сернам тупроққа экилганлиги сабабли бир текис униб чиқиши учун шароит вужудга келтирилади.

Кўпгина хўжаликлар ана шу усулда ишлаб, чигитни тез ва ўз муддатида ундириб олмоқдалар. Лекин бунинг афзалликларидан ҳамма жойда фойдаланилаяпти, деб бўлмайди. Эгат очадиган ГХ-4 механизми арзон туради, ишончли ва узоқ муддат ишлатилади. Унинг гарантияли иш муддати 7 йил. Икки йил ичидаёқ ўзини оқлайди. Бу механизм универсал бўлиб, 60, 70, 80, 90, 100 ва 120 сантиметр қилиб эгат олиши мумкин. Иш органларини алмаштириб чизел сифатида ёки осма борона тарзида ҳам ишлатиш мумкин.

Ёғингарчилик етарли ва чигитни тупроқнинг табиий намида ундириб олиш имконияти бўлган районларда дала кузда ғўзапоялардан тозаланиб шудгор қилингандан ва текислангандан кейин эгат очиб қўйиш мақсадга мувофиқ. Куз-қиш даврида эгатларда кўпроқ нам сақланади, чигитнинг униб чиқиши, ниҳолларнинг тез авж олиши учун шароит вужудга келади. Бундай усул қўлланилганда чигитни танлаб экиш ҳам мумкин, кўклamнинг серёғин ёки қуруқ келиши экиш сифатига кўп таъсир кўрсата олмайди. Агар кузда эгат олиб қўйилса, чигитни тўғридан-тўғри пуштага экиш ёки эгат ичига экиб, пуштадаги майин тупроқ билан қўмиш ёхуд зарур бўлиб қолса, таёр эгатлар орқали суғориб нам тўплаб кейин экиш ҳам мумкин.

Чигитни пушталарга экиб мўл ҳосил етиштириш технологиясини механизациялаш учун ҳозирги вақтда ГХ-4 маркали эгат очиш механизм, СХУ-4 маркали универсал сеялка, КХУ-4 маркали универсал культиватор ва ППГ-4 маркали сеялка ва культиваторга ўрнатиладиган мосламалар ишлаб чиқарилмоқда. Бу механизмларга Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети ёки область агросаноат комитетлари орқали бир йил олдин буюртма бериб сотиб олиш мумкин.

А. ҚОРАХОНОВ,
Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти лабораторияси раҳбари, техника фанлари кандидати.

Е. ПОНОМАРЕВ,
катта илмий ходим, техника фанлари кандидати.

МУДДАТИДАН ОЛДИН

Бухородаги 61-автобаза шофёри Розиқ Жумаев Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очиладиган кунга қадар беш йилликнинг уч йили топшириғини бажаришга аҳд қилди. Илғор ишчи ўз сўзини амалий иш билан тасдиқлаб, ҳар куни планга қўшимча бир неча рейс қилмоқда. Техникани яхши билиш, профилактика ишларини ўз вақтида бажариш шофёрга графикдан ўзиб ишлаш имконини бермоқда.

Р. Жумаев ҳар куни 230 тоннага етказиб қурилиш материалларини ташиб бермоқда. Беш йиллик бошидан буён у буюртмачиларга 125 минг тоннадан кўпроқ юк ташиб берди.

Диққат: конкурс

УРУҒЛИК САРА БЎЛСИН

Пахтачиликни интенсивлашнинг муҳим шартларидан бири хўжаликларни юқори сифатли уруғлик билан таъминлашдир. Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети пахта тозалаш корхоналари ва лабораториялар коллективларини аъло нав уруғлик тайёрлашга сафарбар этиш мақсадида конкурс ўтказишга қарор қилди.

Конкурс корхоналарда уруғлик пахта чигитини тозалаш, сортлилигини таъминлаш, туксизлантириш ва марказлаштирилган ҳолда ишлов бериш топшириқларини тезроқ бажарилишига кўмаклашиши керак. Шунингдек у уруғлик тайёрланадиган цехларда янги машина ва ускуналарни ишга туширишни назарда тутади. Бунинг натижасида тўлиқ униб чиқадиган 1 ва II классдаги чигит тайёрлашга эришиш лозим.

Цехларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширган, инженерлик таъминотининг комплекс планларини амалда жорий этган ва қуйидаги кўрсаткичлар бўйича юксак натижаларга эришган коллективлар конкурс ғолиби деб топиладилар:

— уруғлик чигитни тозалаш планини 1988 йил 1 мартгача бажарищ;

— чигитни туксизлаштириш, саралаш ва марказлаштирилган ҳолда ишлов бериш топшириқларини 1988 йил 25 мартгача уддалаш;

— умумий ҳисобдан унувчанлиги 1 ва II класс бўлган уруғлик миқдори;

— механик шикастланишни камайтириш;

— областлараро уруғлик ташиш бўйича топшириқни 1988 йил 10 мартгача адо этиш;

— янги техника ва технологияларни ўзлаштириш бўйича топшириқни бажариш;

— тартиб-интизом ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволи.

Мавсум якунига кўра энг юксак натижага эришган корхоналар пул мукофотлари билан тақдирланишга тақдим этиладилар.

Конкурсда ғолиб чиққан коллективларни рағбатлантириш учун шундай мукофотлар белгиланди:

Ўрта толали хом ашёни қайта ишловчи заводларда: тукли уруғлик бўйича:

— ҳар қайсиси 10 минг сўмдан, учта биринчи;

—ҳар қайсиси 6 минг сўмдан, бешта иккинчи;

— ҳар қайсиси 3 минг сўмдан, олтита учинчи;

туксизлантирилган уруғлик бўйича:

— ҳар қайсиси 3 минг сўмдан, иккита мукофот.

Ингичка толали пахтани қайта ишловчи заводларда:

— 10 минг сўмлик биринчи;

— 6 минг сўмлик иккинчи мукофот.

Мукофотлар конкурс якунларига кўра Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети фондидан тўланади. Ғолиблар уруғлик тайёрлашда, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда эришилган натижаларга, чигит класслигига қўшган шахсий ҳисса ҳисобга олинган ҳолда тақдирланишади.

Совет ҳукуматининг баёноти

СССР билан АҚШнинг ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида 1987 йилнинг 8 декабрида имзоланган шартномага мувофиқ, ГДР ва ЧССР территориясида жойлаштирилган ОТР-22 (СС-12) камроқ олислик совет ракеталарини тугатиш ҳам кўзда тутилади. Бу ракеталар Американинг ўртача олислик ракеталари Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатларида жойлаштирилганига жавоб чоралари сифатида ўрнатилган эди.

Совет ҳукумати Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг 1987 йил майида Берлинда ўтказилган кенгашида эришилган аҳдномага амал қилиб холис ниятини намойиш этиш мақсадида Совет Иттифоқининг ОТР-22 (СС-12) ракеталарини, уларнинг учирувчи қурилмаларини ҳамда тегишли ёрдамчи ускуналарини ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги шартнома кучга киргандан олдиноқ ГДР ва ЧССР ҳукуматлари билан келишган ҳолда шу давлатларнинг территориясидан олиб чиқиб кетиш ҳақида қарор қабул қилди. Ана шу ракеталар, уларнинг учирувчи қурилмалари ва тегишли ёрдамчи ускуналари 1988 йилнинг февраль-март ойларида СССР территориясига, мазкур шартнома муносабати билан илк маълумотларни аниқлаш тўғрисидаги ахдлашув ҳақидаги меморандумда белгиланган жойларга олиб чиқиб кетилади.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» БОНГ УРАДИ

ХЎЖАСИЗЛИК—ЎҒРИЛИККА ЙЎЛ

«Узптицепром» бирлашмасида нефть маҳсулотларидан фойдаланишда нохуш аҳвол ҳукм сурмоқда

Ўзбекистон паррандачилик ишлаб чиқариш-саноат бирлашмаси қайта тузилгандан сўнг ишда ижобий ўзгаришлар юз берди. Республика Агросаноат давлат комитети таркибига кирган мазкур бирлашма ўтган йилни муваффақиятли якунлади. Тухум ва гўшт топшириш планлари бажарилди. Табиийки бу ютуқлар коллективнинг астойдил қилган меҳнати, амалга оширилган ташкилий-техникавий тадбирлар самарасидир. Лекин шу билан бирга бирлашма корхоналарида ишлаб чиқаришни янада юксалтириш, ютуқлар салмоғини ошириш учун катта имкониятлар бор. Бу гап, айниқса, моддий-техника ресурсларига тааллуқли. Корхоналарда моддий ресурслардан, хусусан нефть маҳсулотларидан хўжасизларча, исрофгарчилик билан фойдаланилмоқда, улар орқа-ўнгига қарамай сарфланаяпти. Турган гапки, бу ортиқча харажатларга, маҳсулот таннархининг ошиб кетишига олиб келмоқда.

Яқинда бирлашмада ва унинг қуйи бўлинмаларида нефть маҳсулотларидан фойдаланиш аҳволи ўрганиб чиқилди. Текшириш натижаларидан маълум бўлишича, «Узптицепром»да ёнилғи-мойлаш материалларидан самарали фойдаланиш ҳақидаги партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатмаларига қониқарсиз бажарилмоқда. Унта корхонага ёнилғи сарфининг солиштирма нормалари умуман берилмаган. Раҳбарлардан бу масалада қандай ишлар амалга оширилаётганлиги ҳақида сўрасангиз, улар худди биринчи бор эшитишаётгандай сизга ажабланиб қараб қўйишади. Текширилган барча хўжаликларнинг бронтасида ҳам «қора олтин»имиздан тежамли фойдаланишнинг ташкилий-техникавий тадбирлари ишлаб чиқилмаган. Ҳатто кундалик ишда керак бўладиган оддий қўлланмаларни кундузи чироқ ёқиб ҳам тополмайсиз. Шунинг учун аксарият корхоналарда ёнилғи-мойлаш маҳсулотларидан тежаб-тергаб фойдаланганларни мукофотлаш, ортиқча сарфланганларга эса жарима солиш бўйича ҳеч қандай низом ишлаб чиқилмаган.

«Узптицепром» бирлашмаси корхоналари раҳбарлари, айниқса, давлат машиналарида «сайр-томошани яхши кўришлари маълум бўлиб қолди. Раҳбарлар ўзларига бириктирилган енгил хизмат машиналаридан айтиш мумкинки, кечаси-ю кундузи фойдаланишган. Ҳеч қандай норманы назар-писанд қилмасликлари икки карра икки тўртдек равшан бўлди. Далилларга мурожаат қиламиз. Кейинги икки йил мобайнида Бухоро паррандачилик фабрикасида 1,6 тонна, Самарқанд паррандачилик фабрикасида эса 3,6 тонна бензин қонунқоидаларга хилоф равишда ҳисобдан чиқарилган. Жами зиёд бензин ортиқча сарфлаб юборилган. Каттақўрғон паррандачилик фабрикасида эса бу борада «юқори» кўрсаткичга эришган, яъни 15 минг литрни ортда қолдириб кетган. Гулистон, Сирдарё, Шеробод, Урганч, Қизилтепа паррандачилик фабрикалари раҳбарлари ҳам енгил машиналарда орқа-ўнгига қарамай юраберганликлари сабабли шундай исрофгарчиликка йўл қўйилган. Умуман саккизта корхона бўйича ҳам вақт мобайнида ортиқча сарфланган бензин 60 минг литрдан ошиб кетган. Бу тухум ёки парранда гўшти таннархининг тилла баҳосига чиқиб кетишига олиб келади. Агар ортиқча харажатларнинг бир қисми ташкилотлар раҳбарларидан ундириб олинганида эди, улар ҳар бир қадамни ўйлаб босишган бўлардик. Яна шуниси ҳам борки, қатор бўлинмаларда юк ташишга мўлжалланган машиналардан катта-кичик раҳбарларни олиб юришда фойдаланилмоқда.

Кўпгина хўжаликларда ёнилғи сарфлашнинг нормалари бўлмаганлиги сабабли автотранспорт ва бошқа техника воситаларига нефть маҳсулотлари чамалаб ёки эскирган ҳужжатларга асосланиб берилган. Шундай йўл билан Шаҳрисабз паррандачилик фабрикасида 1,6 тонна, Самарқанд паррандачилик фабрикасида эса 3,6 тонна бензин қонунқоидаларга хилоф равишда ҳисобдан чиқарилган. Жами зиёд бензин ортиқча сарфланганлиги маълум бўлди. Айниқса бу борада Қамаши паррандачилик фабрикаси ҳаммадан «ўзиб» кетган. Унинг ортиқча сарфлаган бензини 44,5 тоннадан ошади.

Бундай беҳуда сарф-харажатлар, исрофгарчиликлар бирлашма ва унинг корхоналарида ёнилғи-мойлаш материалларидан фойдаланишда тартиб йўқлигини, кўпчилик жойларда «қора олтин»имизга нисбатан фақат истеъмолчи сифатида муносабатда бўлинаётганлигини кўрсатади. Текширилган хўжаликларнинг деярли барчасида йўл варақалари қоидага ҳилоф равишда тўлдирилмоқда, кимнинг ҳаёлига қандай рақам келиб қолса, шуни ёзиб қўяверади. Айниқса, моддий қимматга эга бўлган талонларни тарқатиш қоидалари қўпол равишда бузилаяпти. Йўл варақаларига уларнинг миқдори, серия ва номерлари ёзилмаслиги оқибатида талонлар нопок кишилар қўлига тушиб қолмоқда.

Айниқса статистика ҳисоботларида маълумотларнинг бузиб кўрсатилаётганлиги ҳоллари билан асло келишиб бўлмайди. Бундай ишга йўл қўяётган корхоналар раҳбарлари кўзбўямачилик билан давлатни алдашга ҳаракат қилишмоқда. Масалан, Қизилтепадаги паррандачилик фабрикасида дизель ёнилғиси билан юрадиган автомобилларда 625 минг тонна-километр иш бажарилганлиги қайд қилинган. Бошқа ҳужжатда эса бу кўрсаткич 714 минг тонна-километр, деб ёзилган. Бензинда юрадиган автомобиллар билан ҳам бажарилган иш ҳажмида шундай чалкашлик бор. Икки ҳужжат ўртасидаги тафовут 103,8 минг тонна-километрни ташкил этган. Тракторлар бўйича ҳам бажарилган иш ҳажмида шундай ноаниқлик мавжуд. Самарқанд наслли паррандачилик фабрикасида машиналарнинг 30 процентибузуқ, спидометр билан ишлатилмоқда. Қамашидаги корхонада эса йўл варақаларидаги ва навбатчи механик дафтаридаги рақамлар бир-бирига тўғри келмайди. Ўртадаги фарқ бир неча ўн минг километрни ташкил этади. Қаршин паррандачилик фабрикасида ҳам шундай камчиликларни кўриш мумкин. Йўл варақалари, юк-транспорт ҳужжатлари ва автотранспортни ишлатишдаги бундай ноаниқликлар охир-оқибатда бажарилмаган ишларни ёзишга, ёнилғини қонунга хилоф равишда ҳисобдан чиқаришга олиб келмоқда. Шу ўринда бир далил келтирамиз. Қизилтепа паррандачилик фабрикаси билан темир йўл оралиғидаги масофа анча вақтгача 2 километр оширибёзилган. Натижада ҳужжатлар танлаб текширилганда 4.453 километр масофа, 129 тонна юк қўшиб ёзилганлиги маълум бўлди. Шунинг ҳисобидан 3.000 литр ёнилғи мавжуд ҳолатга хилоф равишда ҳисобдан чиқарилган.

Текширилган хўжаликларнинг деярли ҳаммасида нефть маҳсулотларининг ҳисоб-китоби нотўғри юритилаяпти. Аксарият корхоналарда ойлик инвентаризация ўтказилмайди, ўлчов жадваллари тузилмаган. Зарур асбоб-ускуналар йўқ. Оқибатда бир қанча ташкилотларда камомадга йўл қўйилган. Юқорида тилга олинган Қизилтепа паррандачилик фабрикасида ҳайдовчиларга ёнилғи литрлаб берилган бўлса-да, килограммда ҳисобдан чиқарилган. Шу йўл билан қисқа вақтда 42 тоннадан зиёд дизель ёнилғиси ишлатилган сифатида ҳужжатларда қайд этилган. Турган гапки, бу ўғриликка, давлат мулкини, талон-торож қилишга олиб келади. Шу пайтга қадар Ғиждувон, Бухоро, Самарқанд, Урганч ва бошқа қатор паррандачилик фабрикаларидаги нефть омборларида ёнилғи-мойлаш материаллари челаклаб тарқатилаяпти. Турли маркадаги бензинни ва мойларни аралаштириб юборишқоллари ҳамон давом этмоқда. Нефть омборларининг қониқарсиз аҳволда эканлиги сабабли текширилган хўжаликларда йилига 160 тоннадан зиёд ёнилғи бекорга исроф бўлаяпти. Бешта хўжаликда техника воситалари аккумуляторсиз ишлаётганлиги учун 75 тоннадан зиёд нефть маҳсулотлари ҳавога сочилаётганлиги аниқланди.

Бирлашма корхоналарида фонд интизоми қўпол равишда бузилаётганлиги маълум бўлди. Тўққизта хўжаликда 220 тоннадан зиёд турли нефть маҳсулотлари ҳар хил ташкилотларга бериб юборилган. Дизель ёнилғиси — қимматли нефть маҳсулоти, у далатранспорт ишларини бажаришга сарфланиши керак. Лекин бирлашма бўлинмаларида бир неча йилдан бери қозонхоналарда ёқиб келинаяпти. Текширилган 14 та хўжаликда бу мақсадга сарфланган ёнилғи 8,2 минг тоннадан ошиб кетган.

Ёнилғи-мойлаш материаллари — халқ мулки. Унинг ҳар миқолини ўз ўрнида расамади билан сарфлаш зарур. Исрофгарчилик ва хўжасизликка йўл қўйганлар қайта қуришнинг қатъий талабига кўра жазоланишлари керак. Токи бу тартиббузарлар ва кўзбўямачилар учун аччиқ сабоқ бўлсин.

Ф. ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон ССР нефть маҳсулотлари давлат инспекциясининг бошлиғи.

С. САЛИМОВ,
етакчи инспектор.

ОЛИМЛАР МУАММО ҚЎЙИШАДИ

СУҒОРМА ЙАЙЛОВЛАР ЯРАТАЙЛИК

Ўзбекистон сут чорвачилиги суғориладиган ихтисослашган алмашлаб экиш системасида етиштириладиган озуқа базаси негизида ривожланади. Аксарият хўжаликларда молларни йил бўйи боғлаб озуқа билан боқиш технологияси қабул қилинган.

Лекин мазкур технология бир қатор қусурларга эга. Рапс, перко, кузги жавдар каби кўк ҳолида ўриладиган оралиқ экинлар зах тупроқда ўрим-йиғим техникасини ишлатиш қийинлиги туфайли кўпинча қулай муддатларда ўрилмай қолиши мумкин.

Сигирларга кўклигича едириладиган асосий озуқа экини— бу беда. Унга ўроқ кечроқ, яъни апрель ойи охирларида ёки майнинг бошларида тушади, бунгача эса охурга бултурги емиш солинади, кўпинча у сифатсиз бўлади. Бедани ўриш ва ташиш даврида унинг тўйимли моддалари тўкилиб қолади.

Ўрим-йиғим техникаси ҳамда транспорт носозлиги озуқани вақтида ташиб олишни секинлаштиради, бу рацион таркиби ва тўйимлилигига салбий таъсир этади. Шундай экан маҳсулдорлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Езда кўк озуқа фермага соат 10 дан кейин, яъни эрталабки соғим тугагандан уч соатлар ўтгач, кечқурунга мўлжалланган беда эса айни иссиқ авжига чиққанда — соат 15—16 ларда келтирилади, молларга кечки соғимдан сўнг, кўпинча қизиб турган ҳолда берилади.

Чегараланган рацион, моллар тоза ҳаво ва қуёш нурларидан баҳраманд бўлмаслиги ҳам имкониятларни тўласинча намоён этмайди. Шунинг учун кейинги пайтларда олимлар, амалиётчилар чорва маҳсулдорлигини молларни яйловда яратиб боқиш технологиясига тобора узвий боғламоқдалар.

Мазкур усул қатор афзалликларга эга. Бунда ўриш, ташиш, охурга солиш, нишхўрд ва гўнгни йиғиштириш каби мураккаб, меҳнатталаб юмушларга ҳожат қолмайди. Ана шу технология жорий этилганда боғлаб боққанга нисбатан сут қўпаяди, маҳсулот таннархи арзонлашади, қисир қолиш йўқолади, озуқа бирлиги, протеин, углеводлар миқдори ошади. Табиийки, сут сифати яхшиланади. Яйлов шароитида сигирларнинг куйикка келиш ва сутдан чиқиш даври қисқаради.

Республикамизда маданийлашган яйловлар яратиш ва фойдаланишнинг назарий масалаларини ишлаб чиқиш билан Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти шуғулланмоқда. Воҳа-водий зонасида яйлов яратишнинг интенсив технологияси шу изланишнинг натижасидир.

1971—1983 йилларда Ўзбекистонда мазкур усулни кенг оммалаштириш учун раҳбар идораларнинг бир неча ҳужжатлари қабул қилинди. Ўша пайтдаги режаларга кўра 1973 йилдаёқ бундай яйловлар 26,6 минг гектарни ташкил этиши керак эди. Аммо бугунги кунда ҳам бу хил яйлов бир неча хўжаликларда 250—300 гектарга етар-етмаслигича турибди.

Республикада биринчи бўлиб Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти «Красный водопад» тажриба базаси ишлаб чиқилган лойиҳага кўра яйлов яратди. Бу ерда ИЭ-200 кўчма электр тўсиқ қўлланилган 10 гектарлик ўралган загонни ўз ичига олган 60 гектар майдон барпо этилди. Яйловда беда, кўп ўриладиган райграс, яйловбоп райграс ва бошқа экинлар аралаш ҳолда ўстирилди. Боқиш режими сут соғиш вақти билан мувофиқлаштирилди.

Мазкур технологияни жорий этиш туфайли сигирлар маҳсулдорлиги ўртача 19 процент ошди, сут таннархи 8,5 процент арзонлашди, озуқа бирлиги 32 процент, протеин 38 процент, углеводлар 3,4 марта кўпайди.

Апрелнинг бошларидан ноябрь ойи ўрталаригача мунтазам боқиш сигирларнинг кўйикка келиш даврини 93 кундан 79 кунгача қисқартирди, айни пайтда боғлаб боқилган молларда бу давр 96 кундан камаймади. Яйловда яратиб боқилган сигирларнинг сутдан чиққан даври 18 кунга қисқарди. Ўт-ўлан мўл далада юрган говмушлар елини маститга чалинмади, туёқ касалидан қутулди, ҳар 100 бош сигир ҳисобига 92—95 тадан соғлом бузоқ олинди. Бойловдаги сигирлар гуруҳидан 8—10 та кам бузоқ туғилди, устига устак улар нимжон ва ориқ.

Яйловдаги сигирлар боғлаб боқилаётганига қараганда сервитамин кўк ўтга 30—40 кун эрта тўйди, бу қишловдан «илиги узилиб» чиққан жониворлар учун катта гап. Очиқ дала боқилган моллардан фойда олишнинг ўсиши «ичкари»даги сигирларга нисбатан 82,7 процентни, рентабеллик даражаси 17,5 процентни ташкил этди. Ҳар сигирдан йил давомида соғилган сут 1,5 минг килограммдан зиёд ошди.

1985 йилда Самарқанд область Паст Дарғом районидаги хўжаликлараро чорвачилик комплексида 15 кунликдан 6 ойликкача бўлган бузоқлар илмий-ишлаб чиқариш тажрибаси мақсадида яйловда боқиб кўрилди. 200 та ёш қорамол 1 апрелдан 15 ноябргача очиқ майдонда сақланди. Яна шунча бузоқ таққос учун боғлаб боқилди. 210 кун ичида яйловдаги жониворлар «ичкари»дагиларга нисбатан 5.210 озуқа бирлиги кам емиш истеъмол қилиб, кунига 350 грамм кўп семирди ёки бу кўрсаткич 920 граммни ташкил этди. Яйловдаги бузоқни бир центнер семиртириш учун 4,43 киши-соати, ичкаридаги молни шунча семиртиришга 28 киши-соати керак бўлди. Бунда маҳсулот таннархи тегишли равишда 97,3 ва 169 сўмдан тўғри келди. Боғланмай боқилган жониворлардан 12.084 сўм, боғланганларидан эса 1.915 сўм фойда олинди.

Бунда яйратиб боқилган моллар ҳамма кўрсаткичлар бўйича ичкаридаги бузоқлардан ўтиб кетганлиги кўриниб турибди. Кейинги кузатишлар ҳам эътиборга сазовор: даладаги моллар 16—18 ойда, боғланган жониворлар 26—28 ойда уруғлантиришга тайёр бўлди. Яйловда ўсган бузоқлар бир йил ичида ёзги ўтов қурилиши харажатларини қоплади.

Республикамизнинг илғор хўжаликларида маданийлашган суғорма яйловларда мол асраш тажрибаси биз тавсия этаётган усулнинг афзаллигини яққол кўрсатиб турибди. Уни жорий этиш жамоат чорвачилигини жадал ривожлантиришда ҳал қилувчи туртки бўлур эди.

Шундай савол туғилади: афзаллиги яққол кўриниб турган усул нега кенг тарқамаяпти? Бунга қуйидагича жавоб қиламиз: хўжаликларнинг раҳбарлари юзаки ўйлаш, тор доирада қараш каби турғунлик даври асоратларидан қутулолмаяптилар. Ахир катта маблағ эвазига яратилган тайёр яйловларга «юқори»нинг изми билан чигит экилган ҳоллар рўй берди-ку.

Ҳозирги пайтда хўжаликларни кенг доирада фикрловчи кишилар бошқармоқдалар. Маданийлашган суғорма яйловлар масаласи тубдан қайта кўрилиши, унга яшил йўл очилиши керак. Бинобарин, баъзи хўжаликларда кўрсатма келишини кутиб ўтирмай ишга киришиб кетилди. Андижон областидаги «Савай», Тошкент областидаги «Иваново», Қашқадарёдаги «Партия XX съезди» совхозлари шундай қилишаяпти.

Ульянов районидаги «Партия XX съезди» совхозида 1987 йилда директор Б. Муродов ташаббуси билан соғин сигирларнинг ҳаммаси яйловда боқилди. Натижада сутга сут қўшилди, пода соғломлашди. Келгусида бу ерда бузоқларни боқиш учун ҳам яйлов яратилади.

Маданийлашган суғорма яйловларга ҳар қанча шубҳа билан қарамайлик, кўп ўтмай ҳаёт бизни шунга мажбур қилади. Лекин ўшанда яйлов экинлари уруғ йўқлиги туфайли бу ишга тайёр эмаслигимиз билиниб қолмасмикан? Ҳозир бундай уруғ бошқа республикалардан келтирилаяпти.

Эҳтимол бу борада ҳали баъзилар бақсга киришишар, айрим раҳбарлар гумонсираб қарашар. Лекин наслчиликка ихтисослашган заводлар, хўжаликлар иккиланиб ўтиришга вақт йўқ — маданийлашган суғорма яйловлар қисқа муддатда яратилмоғи керак. Бусиз селекцияни изчил йўлга қўйиш, подаларни соғлом сақлаш ва маҳсулдорлигини муттасил ошириш мумкин эмас.

Ҳатто озуқа бисёр бўлиб, моллар боғлаб боқилган ажойиб шароитда ҳам жониворнинг генетик маҳсулдорлик имкониятидан тўла фойдаланиш амри маҳол. Буни ер майдони Ўзбекистондан ҳам кам бўлган Даниядек мамлакатда яхши билишади. Денгиз соҳилларидан «юлиб олинган» бўлтак ерлар эвазига чорвачилик қилаётган бу юртда молларни боғламай боқишади.

Чорвани асрашнинг илғор технологиясини тарғиб қилиш мақсадларида фаннинг энг янги ютуқларига таянган доимий маданийлашган суғорма яйловни тажриба сифатида яратиш пайти келди, деб ўйлаймиз. Бунинг учун илк «пойдевор» одатда 1 мартдан қўйилади. Бу борада кўп йиллик тажрибага эга Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти олимлари хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларга керакли тавсияларни беминнат тақдим этадилар.

Н. МОРОЗОВ,
Агросаноат комплекси республика олий бошқарув мактаби чорвачилик кафедраси профессори, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби.

И. МАМАСОЛИЕВ, В. РОГОВ,
Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти катта илмий ходимлари, биология фанлари кандидатлари.



Ленинскдаги 1-пахта тозалаш заводи уруғлик чигитни назорат қилиш лабораторияси ходимлари шу кунларда ҳар қачонгидан кўра зўр масъулият билан ишлашмоқда. Улар Марҳамат ва Ленин районлари хўжаликларини сара уруғлик билан таъминлаш мажбуриятини олишган. Ҳозиргача бу ерда 2.500 килограммдан зиёд чигит текширилиб, жўнатишга тайёрлаб қўйилди.

СУРАТДА: лаборатория ишчилари уруғлик сифатини аниқлашмоқда.

Р. АШУРОВ фотоси.
(ЎзТАГ).

Ҳам жангчи, ҳам меҳнаткаш

ЎТ КЕЧИБ, СУВ КЕЧИБ

Сочи шаҳри Қора денгиз қирғоғидаги энг сўлим гўшалардан, Иттифоқимизнинг саломатлик марказларидан бири. Иқлимни мўътадил, ҳавоси қишинёзин дам олиш, даволаниш учун қулай, табиати юмшоқ. Шаҳарда 250 дан зиёд санаторийлар, пансионат ва дам олиш уйлари жойлашган бўлиб, бу саломатлик ношоналарида мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келаётган кишиларнинг меҳнат отпускаларини кўнгилли ўтказишлари, дам олиб, шифобахш Қора денгизда, машҳур мацеста минерал сувида чўмилиб, даволанишлари учун барча шароитлар яратиб қўйилган. Бундан ўн йилча муқаддам Сочининг энг гўзал жойида, шундоққина Қора денгиз қирғоғида қуриб битказилган, даволанувчилар, дам олувчилар учун барча имкониятларга эга бўлган ўн олти қаватли «Ўзбекистон» санаторийси шаҳардаги энг машҳур ва намунали шифо марказларидан биридир. Бу ерда ҳаммага меҳрибон, ҳаммага таниш бўлган амбоинб врач Мақсуд Маъруфов ҳам хизмат қилади.

Мақсуд ака республикамиз пойтахтининг Сағбон даҳасида улғайди. Ўрта мактабни битиргандан сўнг унн Тошкент медицина институтига ўқишга таклиф қилишди. Учинчи курсни тугатар-тугатмас немис-фашист галалари Ватанимиз тупроғига бостириб кирдилар. Медицина институтининг кўпчилик студентлари ариза бериб фронтга жўнаб кетишди. Мақсудни олишмади, «институтни битиргандан сўнг неласан», — деб ҳарбий комиссариатдан қайтаришди. Шундай қилиб, 1943 йилда хирурглик дипломини қўлга олиши билан Ватан мудофаасига жўнади. Ёш врачни 6-ҳарбий-десант корпусининг 17-бригадасига тайинлашди. Шундай қилиб, унинг врачлик фаолияти жангу жадал билан бошланди. Қонли жангларни кўзи билан кўп кўрди. Ярадор бўлишига қарамай фашист қузғунларга қарши курашда мардлик ва матонат намуналарини кўрсатган учувчилар ҳаётини сақлаб қолишга интилди. Сутнасинга йигирма соатлаб операция столидан кетмай ишлаган незлари бўлди. Десантчилар сафида душманнинг стратегик жиҳатдан муҳим ҳисобланган пунктларини ишғол этишда шахсан қатнашди.

Мақсуд ака ғалаба кунларигача жангчиларимиз сафида бўлолмади. У 1944 йилнинг бошларида Польша чегарасига яқин жойда хизмат қилаётган госпиталга снаряд тушишидан оғир яраланди. Бир қўлда қурол, бир қўлда жарроҳлик асбоби билан фашистларга қарши курашда қатнашган Мақсуднинг ўзи ҳам госпиталга тушиб қолди. Бу ердан чиқиши билан ўз қисмига қайтишни ният қилганди. Лекин фронт тобора гарбга қараб силжиб, ғалаба шабадаси эсиб қолган эди. Ярадорлар мамлакат ичларисида ташкил этилган госпиталларга, шифохоналарга келтирилаётганди. Уларни даволаб сафга қайтариш медицина ходимлари олдига муҳим топшириқ қилиб қўйилди.

Олий Бош қўмондонликнинг буйруғи билан мамлакат ичларисидаги курортлар, шифохоналар фронтдан ярадор бўлиб қайтаётган солдат ва офицерларни даволашга сафарбар қилинган эди. Сочи санаторийлари ҳам госпиталларга айлантирилди. Мақсуд Маъруфовни ҳам даволаниш, ҳам ярадорларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун Сочига юборишди. Жанубнинг ҳавоси ва шифобахш мацеста суви Мақсуднинг тезда соғайиб кетишига имкон берди. Кейинчалик институтда олган билимини, жангу жадалларда орттирган тажрибасини ярадорларни даволаш йўлида сарфлади. У бошқа врачлар билан бирга госпиталнинг ўзида яшаб, хирург-терапевт сифатида ишлади.

Уруш жароҳатларн битиши билан госпиталлар яна меҳнаткашларнинг дам олиш, даволаниш жойларига айлантирилди. Ҳарбий врач Мақсуд Маъруфов Сочининг энг хушманзара жойларидаги бирндаги «Кавказ Ривьераси» санаторийсида даволовчи врач сифатида ишга қолдирилди. Қарийб ўттиз йил давомида шу ерда хизмат кўрсатди.

«Ўзбекистон» санаторийси қурилишига бошчилик қилди. Санаторийнинг ҳар томонлама қулай, меҳнаткашларнинг дам олиш ва даволаниш учун жон қойитиб ишлади. Шундан сўнг бош врач ўринбосари бўлди. Тўрт йилдирки Мақсуд Маъруфов пенсияда. Лекин у коллективдан алоқани узгани йўқ — хирург-консультант сифатида фаолият кўрсатмоқда, беминнат маслаҳатлари билан ёшларга устозлик қилаяпти.

Мақсуд Маъруфов бутун умрини медицинага, одамларга хизмат қилишга бағишлаган бўлса, ҳаётини Сочи шаҳри билан боғлади. Урушдан кейин врач қиз Клава билан турмуш қуришди. Ҳозир Клавдия Николаевна Сочи шаҳар «тез ёрдам» станциясида хизмат қилади. Мақсуд ака билан Ўзбекистондан келаётган ҳар бир хат-хабарни орзиқиб кутишади. Тошкентдан бораётган газеталарни галма-гал ўқишади. Уларнинг ники ўғли ҳам олий маълумотли инженер.

Бутуниттифоқ оқсоқоли М. Н. Калинин душман устидан эришилган ғалабанинг тезлашишида медицина ходимларининг хизмати артиллерия, ҳарбий-ҳаво, ҳарбий-денгиз, танк қўшинлари хизматидан кам бўлмаганлигини қайта-қайта таъкидлаган эди. Бунда ўзбек врачи Мақсуд Маъруфовнинг ҳам ўз ўрни, ҳиссаси бор.

П. ГАДОЕВ.



Алишер Комилов Риштон районидаги «Риштон» совхозининг ремонт устахонасида слесарь бўлиб ишлайди. У мавжуд машина-механизмларнинг юксак унум билан ишлашига, техника воситаларини сифатли созлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Қиш фаслида ҳам ремонт ишларида фаол қатнашиб, ўзаро соцмалистик мусобақада бир неча марта ғолиб чиқди.

СУРАТДА: илғор слесарь А. Комилов.

Ҳ. МЕЛИБОЕВ фотоси.

АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ САБОҚЛАРИ

Қашқадарё область Усмон Юсупов районидаги 26-совхознинг собиқ бўлим бошқарувчиси Қурбон АЛИМОВга

О Ч И Қ Х А Т

Бу хатни Сизга алоҳида шахсий мактуб тарзида ҳам йўллашим мумкин эди. Лекин ўйлаб-ўйлаб ўз фикрларимни газета орқали билдиришга қарор қилдим, зеро томчида қуёш акс этади, деган гап бор: сизнинг қисматингиз фожиасида эса жамиятимизда сўнгги йилларгача давом этиб келган ёт кўринишлар қурбони бўлмиш кўпгина кимсаларнинг мураккаб тақдирлари мужассамлашган.

Сиз менинг «Шарқ Юлдузи» журналининг ўтган йил 8-сонида босилган «Булутли кунлар» публицистик қиссам ҳақида илиқ гапларни эзибсиз. Бунинг учун катта раҳмат! Шундан сўнг ўзингизнинг ўша булутли кунларда азият чекканлардан бири эканлигингиз ҳақида айтибсиз. Хатингиздан парча келтираман:

«Мен, Алимов Қурбон Назарович, 1950 йилда ҳозирги Усмон Юсупов районининг Миришкор қишлоғида туғилдим. Ўрта мактабда ўқидим, 1969 йилда эса Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетига ўқишга кирдим, 1974 йили муваффақиятли тамомладим. Узимнзнинг М. И. Калинин номли 26-совхозга ишга келдим. 1981 йилгача совхозда агроном, бўлимда катта агроном бўлиб ишладим. 1981 йил август ойидан шу совхознинг 4-бўлимига бошқарувчи қилиб тайинладилар. Ҳалол ишлаганлигим туфайли КПСС сафига қабул қилиндим.

...1986 йилда эса партия сафидан ноҳақ чиқаришди. Бунга сабаб бўлган омиллар ҳақида тушунтиришга ўтай. Республикамизнинг анчагина хўжаликларида бўлгани каби совхозимизда, жумладан бизнинг бўлимда ҳам 1983 йилда баъзи нопок раҳбарларимизнинг буйруқлари туфайли ўз обрўсини ошириш, мол-дунё орттириш мақсадида пахтани қўшиб ёзиш ҳоллари рўй берди. Худди ана шу йили райкомнинг собиқ биринчи секретари ва совхоз директори (иккаласи ҳам ҳозир қамоқда) буйруғи билан бўлимимизда умуман терилмаган 324 тонна пахта «Миришкор» пахта пунктидан 57 минг сўмга сотиб олинди. Ваҳоланки, бу пахтани сотиб олиш учун бўлимда ҳеч қандай эҳтиёж йўқ эди. Биз ўз кучимиз билан планни 104,2 процент қилиб бажарган эдик. Лекин район ва область планини тўлдиришга ёрдам деб бизнн 20 процент пахтани сотиб олишга мажбур қилдилар. Сохта наряд ёпилиб, қалбаки пул тўлов ведомостлари тузилди... Охирн ёмон бўлди. Ҳаммамиз жиноий жавобгарликка тортилдик...».

Энди гапни шу ерда тўхатиб турайлик. Аввал бошдан айтиб ўтишим лозимки, сўзларингизнинг қанчалик тўғри эканлигига ишонаман. Мен сиз яшаётган воҳани яхши биламан. Ўша ердаги қозоннинг қандай қайнаганини ўз кўзим билан кўрганман.

Ачинарли жойи шундаки, сиз ҳам баъзи бир кишилар каби ўз айбингиз юкини, унинг бутун салобатини ҳис қилмаётирсиз, ўзингизни вужудга келиб қолган шароитлар қурбони деб ҳисоблаётирсиз, ноҳақдан азият чеккан кишилар рўйхатига қўшаяпсиз. Келинг, сиз ва шериклрингизни қора курсига олиб келган сабаблар ҳақида бироз мушоҳада юритайлик.

Совхоз раҳбарлари, уларнинг кўрсатмасига кўра сиз ва бошқалар қалбаки, сохта нарядлар тузиш йўли билан йўқ ҳосилни бор, терилмаган пахтани эса терилган қилиб ҳужжат расмийлаштиргансиз. Совхоз кассасидан 57 минг 554 сўм пул олгансизлар-да, уларни пахта пунктига ўрнашиб олган бир тўп харомтовоқларга икки қўллаб топширгансизлар. Улар эса ўзларингизнинг дўпиларингизни ўзларингизга кийдирганлари ҳолда бўлимингизга 324 тонна пахтани қўшиб ёзишган. Пулнинг 38.033 сўмини бўлимингизнинг катта бухгалтери Мурод Ширинов, 19.521 сўмини эса сиз ўз қўлларингиз билан пункт раҳбарларига пора сифатида элтиб бергансизлар. «Бу пуллардан мен бир сўм ҳам манфаатдор бўлмаганман» деб ёзибсиз. Ишонаман, айтганингиздай бўлиши мумкин. Лекин «шундай қилиб емаган сомсага пул тўладим» деган гапингизга қўшила олмайман.

Хўш, давлатдан қалбаки йўллар билан ўмарилган бир неча ўн минг сўм пулни фирибгар ва муттаҳамлар қўлига элтиб бериш, ҳеч бўлмаса бу ишда воситачилик қилиш сизнингча жиноят эмасми? Ахир сиз бир одамнинг пулини иккинчи бир одамга шундайгина олиб бориб бериб қўйганингиз йўқ, балки давлатдан сохтакорлик йўли билан ўмарилган ўғирлик пулни қаллобларга пора сифатида олиб бориб бергансиз. Сиз, олий маълумотли мутахассис бу билан қандай оғир жиноятга қўл урганингизни сезишингиз, унинг оқибатини қалбингиз билан ҳис қилишингиз керак эди. Энди «сиз гўё емаган сомса»га келсак. Узоқ тоғ қишлоғида менинг бир танишим бор. У ўз дўсти, колхоз бухгалтерининг шахсий илтимосига кўра қоғозга ўроғлик бир нарсани (кейин аниқланишича катта пулни) бошқа бир колхознинг омборхона мудирига элтиб берган. Қоғозни очиб ҳам кўрмаган. Бу нарсадан у бирор тийин моддий манфаатдор бўлмаганлиги ҳақида эса айтмай қўя қолайлик. Охири нима билан тугади? Пора беришда воситачилик ролини ўйнаганлиги учун у қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Мана буни ҳақиқатан ҳам емаган сомсага пул тўлаш деса бўлади!

Ўша булутли кунларда ёмон бир касалликка ўхшаш нарса бор эди. У ҳам бўлса «Замон шунақа бўлиб кетди, бундан кейин ҳам шундай бўлаверади» дея ўз-ўзини овутиш. Халқни, давлатни алдаб чамадон-чамадон пул йиғиб қўйган кишилар ҳам ўзларини фақат буйруқни бажараётган кишилар ҳисоблардилар, жиноятга қўл ураётган деб билмасдилар. Ҳамма аччиқ ҳақиқатнинг юзига қарамай, ширин алдамчиликнинг чеҳрасига маҳлиё бўлиб қолган эди. Шоирнинг «Яхшидур аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон, шу ширин ёлғонга бир кун алданиб қолгон ёмон» дея огоҳлантиришга ҳеч ким қулоқ солмай қўйган эди.

Хатингиздаги «Ўша вақтларда бутун ҳокимият катталарнинг қўлида эди, биз эса оддий пиёда эдик. Қамалишдан қўрқиб шу ишни қилдик: ерда ётган бир ҳовуч пахтани кўрсалар нобудгарчиликка йўл қўйибсан, деган баҳона билан қаматиб юборишлари мумкин эди» деган гапларингиз ҳам мени унчалик ишонтирмади. Бу — ўттиздан ошган жиддий одамнинг гапи эмас. Аркадий Гайдар 14 ёшида полкка командирлик қилганини, Олег Кошевой 16 ёшида жанговар ҳарбий отряд тузиб, немисларни қон қақшатганини, Тўйчи Эрйигитов йигирма ёшида душман дзоти амбразурасига кўксини қалқон қилганини эслайдиган бўлсак, сиз, совет мактаби, олий ўқув юрти тарбиялаган етук бир мутахассисининг «қаматиб юборишлари мумкин эди» деган баҳона билан жиноятга қўл уришингизни, унга катта йўл очиб беришингизни қандай изоҳлаш мумкин?

Яна бир нарса ҳақида ҳам айтмай бўлмайди. Ўша қонунбузарлар халқнинг ҳалол нонини туя қилганлар сиз ва сизга ўхшаганларнинг лоқайдлигингиз оқибатида, ҳар қандай бўйруқни кўр-кўрона бажараверишларингиз сабабли ҳам ўзларининг нопок мақсадларига эришдилар. Ўз қилмишлари учун жавоб бериш вақти етиб келганда эса сизларни ҳам ўз домларингга тортиб кетдилар. Ҳақиқий хавф қаерда бўлганини мана энди пайқагандирсиз?

Мактубингизда яна шу гапларни айтибсиз: «Суд совхоз-га етказилган моддий зарарни кўплашиб тўлашимиз ҳақида ҳукм чиқарди... Суд ижрочиси болаларимнинг кўзини мўлтиратиб пешона тери билан ишлаб топган «Москвич»имизни уйимиздан олиб чиқиб кетди... Давлатга менинг ўзимм 30 минг сўм қайтаришим керак экан. Емаган-киймаган тақдиримда ҳам бу пулни 25—30 йилсиз тўлай олмайман-ку!». Мен ҳуқуқшунос эмасман. Шу боисдан ҳам суд ҳайъати қай даражада тўғри ҳукм чиқарганлигига кафил бўла олмайман. Қонунларимиз негизида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принциплари ётади. Бу борада бирор-бир одилона қарор қабул қилиниб, ҳаётий чигалларингиз ечилар, деган умиддаман.

Айтадиган гапларим шу, холос. Сиз эндигина камолот ёшига етиб келган одамсиз. Ҳали олдинда кўп ишлар бор. Лекин бошингизга тушган аччиқ ҳақиқат сабоқлари сиз учун бир кунлик, бир ойлик, ёки бир йиллик эмас, балки бир умрлик бўлиб қолмоғи керак.

Сиз учун ҳам, бошқалар учун ҳам.

Хатингизга жавоб йўлловчи: Қодиржон СОБИРОВ.

ТОҒЛИ ҚОРАБОҒДАН ХАБАР

СТЕПАНАКЕРТ, 24 февраль. (ТАСС). Область партия активларининг йиғилиши КПСС Марказий Комитетининг Тоғли Қорабоғ автоном областида вужудга келган вазият жиддий, деб берган баҳосига тўла-тўкис ва батамом қўшилди.

Йиғилиш шуни таъкидлайдики, Тоғли Қорабоғ автоном областининг мавжуд миллий-территориал тузилишини қайта кўриб чиқишга қаратилган ҳамда Озарбайжон ССР билан Арманистон ССР меҳнаткашларининг манфаатларга зид бўлган хатти-ҳаракатлар ва талаблар миллатлараро муносабатларга зиён етказади. Ҳозир бу ҳусусда масъулиятли чоралар кўрилмаса, у олдиндан айтиб бўлмайдиган ёки ҳатто ўнглаш қийин бўлган оқибатларга олиб келиши мумкин. Мана шуларнинг ҳаммаси масъулиятсиз шахсларнинг даъватлари, шунингдек автоном область партия ва совет органларининг суст позицияси натижасида вужудга келди.

Партия активларининг йиғилиши область партия комитети, Степанакерт шаҳар партия комитети, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари сиёсий ва идеологик таъсир ўтказишнинг барча воситаларини ленинча миллий сиёсатни, унинг ҳозирги босқичдаги моҳиятини тушунтиришга қаратишларини принципиал муҳим деб ҳисоблайди.

Барча ишларда шунга амал қилиш керакки, миллий масала миллий ҳусусиятларга, психологияга муттасил зўр эътибор берилишини, меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари эътиборга олинишини тақозо этади.

Вазифа область партия ташкилотлари, идеология муассасаларининг активлари КПСС Марказий Комитетининг қароридан келиб чиқадиган масалалар юзасидан омма ўртасида, меҳнат коллективларида кенг кўламдаги ишни авж олдириб юборишларидан, мазкур ҳужжатнинг йўл-йўриқларини ҳар бир меҳнатчининг ақли ва қалбига етказишларидан, вазиятнинг тезроқ нормаллашувига эришишларидан иборатдир.

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

СТЕПАНАКЕРТ, 24 февраль. (ТАСС). Бу ерда Тоғли Қорабоғ область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди.

Пленум ишда йўл қўйган камчиликлари учун Б. С. Кеворковни область партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифасидан озод қилди. Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келган Г. А. Погосян Тоғли Қорабоғ область партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланди.

ЖАДАЛЛАШТИРИШ РЕЗЕРВЛАРИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси тўртинчи цехининг мусобақа пешқадами Мария Писоцкая конвейерда йигирмадан ортиқ операцияни бажармоқда. Илғор ишчи эркаклар модали костюмларни тикишнинг бутун технология жараёнини ўзлаштириб олиб, мажбуриятнинг энг муҳим бандини бажарди.

Турдош касбларни эгаллаш айниқса тикувчиликда жадаллаштиришнинг муҳим резервларидан биридир. Бу ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли цехда бу масалага алоҳида эътибор берилди. Эндиликда коллективда ишсиз санқиб юрадиган одамлар йўқ. Ўз ишини уддалаб бўлган кишилар бошқа операцияларни бажаришга киришадилар. Бригада кенгаши эса ҳар бир тикувчининг меҳнатдаги ишлироки коэффициентини ҳисобга олади.

Бирлашма коллективи тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шароитида иккинчи йил ишламоқда. Бу усуллар тикувчиларни меҳнат унумдорлигини оширишнинг янги-янги резервларини қидириб топишга мажбур қилмоқда.

ПАХТА ВА ДОН КАБИ ЗАРУР

Ўзбекистон ССР маданият министри Ў. Р. УМАРБЕКОВ билан мусоҳаба

МУХБИР: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленумида сўзлаган нутқингизда халқни маданият қадриятларидан баҳраманд этиш, ижодкор, зиёлилар, барча маданият ходимлари обрў-эътиборини кўтариш ғоят муҳимлигини таъкидлаб, биз сарлавҳага чиқарган юқоридаги сўзларни тилга олган эдингиз. Бу вазифа қандай ҳал қилинмоқда?

МИНИСТР: Кўпгина кишилар учун маданият биринчи зарурият воситаси бўлмай, балки фақат кўнгилочарлик, тажриба вазифасини адо этувчи нозарур нарса эканлиги сир эмас. Маданиятга, унга ғамхўрлик қилишга, эҳтиёжларга нисбатан тез-тез учраб турадиган нописанд-истеъмолчилик муносабати ҳам ана шундандир. Иўқ, ўрни келганда маданият ҳам ривожланаётгани, у ёки бу масалани ҳал этишга ёрдам бераётгани ҳақида эслаб ўтишни унутишмайди. Лекин, одатда бундай ҳолларда маданият расмий ҳужжатларда «маданий хизмат кўрсатиш» деб аталадиган масаланинг моҳиятини ифодаламайди, балки унга қўшимча ролни ўйнайди.

Дунёқарашда, ёндашишда, баҳолашда кўпгина ўзгаришлар бўлаётган бугунги кунда баъзи бир партия, совет, хўжалик ходимларининг маданиятга бефарқ муносабатлари кишини ташвишга солмай қўймайди. Масалан, область партия комитетларининг яқинда бўлиб ўтган пленумларида маданият соҳасининг масалалари, муаммолари, уларни бартараф этиш йўллари тўғрисида жуда кам, баъзан номигагина гапириб ўтилди. Жойларда маданият ходимлари, ижодкор зиёлилар вакилларининг овози эшитилмади. Афсус.

МУХБИР: Ижодий союзларда, театрларда, концерт ташкилотларида турғунлик, кадрлар тўс-тўполони муҳитидан қутулиш, коллективларда маънавий-психологик иқлимни соғломлаштириш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

МИНИСТР: Театрлар, бошқа санъат муассасалари фаолиятида гуруҳбозлик, мансабпарастлик , ҳар хил харислик манфаатлари ҳанузгача биринчи ўринга қўйилаётгани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида мутлақо ҳақли равишда танқид қилинди. Республика театр арбоблари союзи билан биргаликда амалга оширилаётган тадбирларимизга қарамай, Муқимий номли, рус ва ўзбек ёш томошабинлар, Самарқанддаги қўғирчоқ театрлари ва бошқа коллективларда бесаранжомлик ҳамон давом этмоқда.

Охири кўринмайдиган баҳслар, ўзаро муносабатларни аниқлаш, айрим шахсларнинг жиззакилиги бу ерларда «ижодий фаолият»нинг асосий кўринишларидан бири бўлиб қолмоқда. Булардан ҳеч қандай фойда йўқ, зарари эса ҳамин қадар. Бундай шароитда мураккаб, ижодий механизмлар қуруқ ишлай бошлайди. Ишнинг бунақа аҳволи билан келишиб бўлмайди, лекин бу борада маъмуриятчиликни ҳам қўллаш мумкин эмас. Содир бўлган вазият сабабларини аниқлаш юзасидан кундалик, манфаатдорлик билан ишлаш ва, албатта, коллективлар самарали фаолият кўрсатиши учун шароит яратиш мақсадида уларга таъсирчан амалий ёрдам бериш керак.

Демократик бошланишлар театрлар, бошқа санъат муассасаларини четлаб ўтолмасди. Уларнинг ижтимоий ўзини ўзи бошқариши, коллективларда номзодларни ошкора муҳокама қилиш йўли билан раҳбар ходимларни сайлаш анчагина фаол ривожланмоқда. Масалан, Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик катта опера ва балет театри, Мухтор Ашрафий номли Тошкент давлат консерваторияси, А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институти раҳбарлари, Жиззах область театрининг бош режиссёри ва бошқалар ана шу йўл билан сайландилар.

Театрларимиз ишининг ҳозирги унча яхши бўлмаган аҳволи улар структурасини такомиллаштириш зарўриятини туғдиради. Шу мақсадда республика Маданият министрлиги Ўзбекистон Театр арбоблари союзи ва Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда бир қатор театрларни қайта ташкил этиш планини тузиб чиқди. Бунда уларнинг жанр кўламини ёшларга бағишланган асарлар ҳисобига кенгайтириш кўзда тутилади.

МУХБИР: Маълумки, маҳаллий аҳамиятга молик маданият ташкилотлари ва муассасалари ғоят оғир аҳволда, уларнинг моддий базаси талабга жавоб бермайди, мутахассислар турар-жой ҳамда бошқа зарур шароитлар билан таъминланмаган. Конкрет аҳвол қандай ва уни тузатиш учун қанақа ишлар қилинаяпти, бунга нималар халақит бермоқда?

МИНИСТР: Агар ғоявий-сиёсий, ахлоқий ва эстетик тарбия марказлари ёмон ишлаётган, путурдан кетган, ташландиқ, нураган ҳолатда экан, у ҳолда бу марказларнинг одамларда ижтимоий фаолликни, гўзалликка эҳтиёжни тарбиялашда қандай самара беришини тушуниб олиш қийин эмас.

Ўтган йил республика маданият ва санъат муассасаларининг моддий базасини яхшилаш соҳасида ҳеч қандай ижобий силжишлар келтирмади. Қўқон шаҳрида драма театри, 14,4 минг кишига мўлжалланган клублар ва маданият уйларининг, 800 минг дона китоб сақланадиган область кутубхоналари ва бошқа объектларнинг фойдаланишга топширилиши, очиғини айтганда, қатноат ҳосил қилинмайдиган умумий манзарани қисман ўзгартирди, холос. Клуб ва кутубхоналар билан таъминланиши жиҳатидан республика мамлакатдаги энг охирги ўринларда турибди. Кўпгина қишлоқ маданият ўчоқлари қишлоқ ва посёлка Советлари билан битта бинога жойлашган. Аҳоли сони 500 ва ундан зиёд, лекин на клуби, на кутубхонаси йўқ пунктларимиз озмунча дейсизми?

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг маданият моддий базасини ривожлантириш тўғрисидаги маълум қарори кўпчиликни клублар, кутубхоналар, маданият ва истироҳат боғларининг аҳволига янгича қарашга мажбур қилди. Республикада 1990 йилгача 189 та район маданият уйи ва қишлоқ клуби қуриш тўғрисида қарор қабул қилинди. Лекин, амалий ишга келганда, Агросаноат давлат комитети, маҳаллий Советлар, «Главсредазирсовхозстрой» ташкилотлари ва бошқалар маданият объектларини оммавий қуришга тайёр эмасликлари маълум бўлиб қолди.

Клуб ва маданият уйларини бунёд этишга ажратилган давлат капитал маблағи атиги 50 процент ўзлаштирилди. Маданий-оқартув муассасаларини қуриш, ремонт қилиш ва таъмирлашда маҳаллий бюджет, корхона ва ташкилотлар фондларининг имкониятларидан фойдаланилмаяпти.

Маҳаллий маданият органлари зиммаларига юклатилган вазифани — қурилишнинг боришини назорат қилишни қониқарсиз бажармоқдалар. Баъзи раҳбарлар четдан қузатувчилик позициясида туриб, объектлар ўз вақтида топширилишига етарли манфаатдорлик кўрсатмаяптилар.

Жойлардан ягона илтимос — тегишли технологик жиҳозларни етказиб беришга ёрдам сўраб министрликка келаётган кишилар сони йил сайин ортиб бормоқда. Дастлабки даврларда биз иттифоқ министрлигининг ёрдами туфайли бир иложини қилаётган эдик. Энди бу қўллаб-қувватлашдан батамом маҳруммиз: имкониятлардан фойдаланинг, деган расмий хабар келди. Саратов шаҳридаги театрлар ва кутубхоналарга жиҳозлар тайёрлаб бераётган заводга юборилаётган буюртмалар ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Аҳвол шундай экан, яқин вақт ичида корхоналардан бирининг базасида маданият муассасалари ҳаётий фаолияти учун зарур бўлган жиҳозларни тайёрлаб берадиган цехни ташкил этиш масаласини республика ҳукумати мавқеида ҳал этиш керак бўлади. Дарвоқе, улар учун бизда чизмалар етарли даражада мавжуд.

Мутахассисларни маданият муассасаларида муқим ишга жойлаштиришни кўзда тутувчи қарорлар, кўрсатмалар сонини санаб, саноқдан адашиб кетиш мумкин. Областлар марказларида махсус ётоқхоналар, ижодкор ёшлар уйларини қуриш, қишлоқ маданий-оқартув ходимларига ситиладиган ва ёритиладиган квартираларни ткин бериш имтиёзи, маошига 30 процент миқдорида қўшимча ҳақ тўлаш ва бошқалар шулар жумласидандир. Ижобий мисоллар дейсизми? Аслида бундай мисоллар йўқ. Халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари бадиий зиёлилар ва таклиф этилган ижодий ходимларнинг уй-жой шароитини яхшилаш юзасидан умидбахш план-тошшириқлар тузадилар, ишлаб чиқишади, планлаштиришади, ваъда беришадию лекин бажаришга келганда қўллари тегмай қолади. Шундай экан, биз бу кадрларни ўша жойларда муқим жойлаштира олмаганимизга, ёшларнинг шижоати ва куч-ғайратидан тўла фойдаланмаётганимизга тажажжубланмаса ҳам бўлади.

Ўтган йили маданият олий ўқув юртларига колхоз ва совхозларнинг 12 нафар стипендиантини қабул қилиш учун озмунча ташвиш чекилдими. Ахир, бу иш аҳволнинг қониқарли эканлигига кўрсаткич бўла оладими?

МУХБИР: Сизнингча, очиқдан-очиқ кўзбўямачилик бўлмаслиги ва маданиятга, айниқса қишлоқ маданиятига оммавийлик бағишлаш учун фаолиятнинг ижодий ва молиявий томонини қандай тенглаштириш мумкин?

МИНИСТР: Мамлакатда бошланган қайта қуриш театрларга фаолиятнинг ижодий ва молиявий томонларини планлаштиришда мустақиллик берди. Театр мўътадил фаолият учун зарур бўлган харажатлар миқдорини давлат унга ажратган пландаги дотацияни ҳисобга олган ҳолда ўзи белгилайди. Шунга мувофиқ бу муассасаларнинг раҳбарларига, коллективларига, уларнинг иқтисодий нуфузлигига, пул, моддий маблағлардан янада самаралироқ фойдаланиш маҳоратига бўлган талаб ҳам ортади. Кейинги йилларнинг якуни бир қатор ижодий коллективлар ўз фаолиятларини тездан қайта қура олганликларини кўрсатмоқда. Уларда ижодкорлик ва экономика аҳил қўшни ҳисобланади, бир-бирини тўлдиради. Максим Горький номидаги рус академик драма, Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма, «Ёш гвардия», оперетта ва республика қўғирчоқ театрлари бунга мисол бўла олади.

Томошабинларга хизмат кўрсатишнинг янгича шакллари изланмоқда. Огаҳий номидаги Хоразм область театри туристлар бюроси билан ҳамкорликда қишлоқ механизаторлари учун ўз мазмунига кўра қизиқарли маданий программа тузиб чиқиб, амалга оширишмоқда. Унда жонажон ўлканинг экскурсия қилиш, спектаклар кўриш ва ижодий ходимлар билан учрашувлар кўзда тутилган.

Станиславский номидаги Қорақалпоғистон музикали драма ва комедия театрига томошабинлар болалари билан бирга келишлари мумкин. У ерда ўйинчоқлар билан жиҳозланган, кутубхонаси бор болалар хонаси ташкил қилинган. Спектаклдан бўш актёрлар ёш дўстлари ёнига бажонидил ташриф буюришади, бунда нафақат ота-оналарга хизмат кўрсатиш, балки келажакдаги ўз томошабинларини тарбиялаш ҳам ҳисобга олинади.

МУХБИР: Баъзи партия органлари, министрликлар ва идораларнинг маданият соҳасидаги қайта қуришга нотўғри муносабатини кўрсатувчи бюрократик сансалорлик, қурилишнинг чўзилиши ва шунга ўхшаш ҳоллардан, мармар ва ганч соҳасидаги нуқсонлардан мисоллар келтирсангиз.

МИНИСТР: Маданият объектларини бунёд этиш ҳақида гапирар эканмиз, қурилишнинг чўзилиши, қурилиш-монтаж ишлари сифатининг пастлиги, зарур технологик жиҳозларнинг комплектланмаганлиги, қурилишни асоссиз тўхтатиб қўйиш каби салбий ҳол ҳамон учраб турганлигини айтишга мажбурмиз. Мана бир неча мисол. Қорақалпоғистон АССР Беруний шаҳридаги 600 ўринли маданият уйи қурила бошлаганига 20 йил бўлди. Сурхондарё область Жарқўрғон районидаги Бойморудов номли колхоз клуби 1979 йилдан бери битмайди. Жиззах область Фориш район маданият уйи қурилиши технологик жиҳозларнинг кўпгина тури ишлаб чиқаришдан олиб ташланган учун область ижроия комитетининг қарори билан тўхтатиб қўйилган. Навоий областининг Конимех ва Учқудуқ районларидаги қишлоқ клублари қурилиши ҳам тақатақ тўхтаб ётибди. Қизиғи шундаки, бу ерда хўжаликларнинг йириклашуви маданият объектларига салбий таъсир кўрсатди. Ўтган йил август ойида давлат комиссияси «Облагропромстрой» бирлашмаси бош пудратчи бўлган Кармана шаҳридаги район маданият уйини қабул қилиб олди. Бироқ бу хабардан қувониб улгурмаслариданоқ «янги қурилиш» таъмирланиши керак, деган иккинчи хабар ҳаммани лол қолдирди.

МУХБИР: Партия қатламини мустаҳкамлаш муаммолари ва коммунистларнинг вазифалари, министрликнинг бугунги кун ва истиқболдаги ишининг аниқ йўналишлари қандай?

МИНИСТР: Бу мураккаб аҳволда тўғри йўлни танлаш, объектив қарор қабул қилиш вазифасини коммунистлардан бошқа ким бажара олади. Маданият ва санъат муассасаларида партия қатлами қандай дейсизми?

Қарши маданият техникумидаги 56 ўқитувчидан атиги 4 киши коммунист, Наманган маданий-оқартув техникумида ишлаётган 94 ўқитувчидан 7 киши партия аъзоси. Ўзбек ёш томошабинлар театридаги 123 кишидан 8 нафари коммунист, холос. Кўпгина театрлар, маданий-оқартув муассасалари борки, бу коллективлардан сўнгги 10—15 йил ичида ҳеч ким партия сафига қабул қилинмаган.

Янги шароитда эскичасига яшаш ва меҳнат қилиш мумкин эмас. Буни министрликдаги каби унга бўйсунувчи маданият ва санъат муассасалари ҳамда ташкилотларида ҳам яхши тушунишади. Лекин мақсадни тушуниш билан уни амалга ошириш ўртасида кўз илғамас масофа бор. Министрлик аппаратидаги қайта қуриш жараёни партия комитети ва ҳар бир коммунистдан оддий ижрочиликни эмас, балки тиғиз ишлашни, юксак онглиликни, янги ғоялар, фикр-мулоҳазаларни ҳамда амалда рўёбга чиқаришни талаб қилади. Коммунистлар сўнгги партия йиғилишида бу ҳақда ишонч билан, танқидий нуқтаи назардан туриб гапиришди.

Халқ хўжалигимизнинг барча соҳалари каби маданият органлари олдига қўйилган янги, кенг кўламли вазифалар биздан маънавий ҳаётимизнинг бу мураккаб ва нозик соҳасини бошқаришга янгича ёндашувни талаб қилади. Яқин вақт ичида бир қатор масалаларни, муаммоларни ҳал қилиб олишимиз зарур: бошқаришнинг қайси бўғинлари янги шароитда ортиқча бўлиб қолади, аксинча қайсилари мустаҳкамлашни тақозо этади, қанақа инструкциялар ва кўрсатмаларни дадил бекор қилиш вақти келди, театрдан тортиб клуб, маданият уйи, парк ва кўпгина бошқа ташкилотларнинг янада кенгроқ ҳуқуқлари, мустақиллиги нималарда конкрет ўз ифодасини топиши керак? Ҳозир олдимизда ана шу масалалар турибди.

Суҳбатимиз ниҳоясида юқоридаги фикрни такрорлаймоқчиман: биз учун маънавий ризқ-насиба ҳақиқий нондек зарур. КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль пленуми якунлари бундан яққол далолат бериб турибди. Фан-техника тараққиётининг янги, янада юксак поғонасига ҳар томонлама баркамол шахс мос келиши керак. Бугунги кунда биз эркин фикрлайдиган, заковатли, мустақил қарор қабул қилишга қодир кишини тарбиялаш учун ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ишлашимиз лозим. Шунинг учун ҳам биз ўз фаолиятимиз натижаларини ўтказилган тадбирлар сони билан эмас, одамларни маданиятга, ахлоқий покликка қанчалик ўргата олганимиз билан ўлчаймиз.

Мусоҳабани «Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири Г. ЛЮ олиб борди.



САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Галина Суханова Советобод районидаги Островский номли 2-ўрта мактабда иш бошлаганига садкам йигирма йил бўлди. Болалар қалбига йўл топа оладиган моҳир педагогнинг дарслари ҳамиша қизиқарли, баҳсларга бой ўтади.

СУРАТДА: Г. Суханова 10-синф ўқувчилари билан машғулот пайтида.

Ғ. АЛИЕВ фотоси.

Спорт ахбороти

ҚИШКИ ОЛИМПИАДА

Калгаридаги «Олимпик сэддлдом» спорт саройида фигурали учиш бўйича ўтказилган мусобақалар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Улар иштирокчиларининг ҳар бир чиқишини олқиш, қарсаклар билан кутиб олдилар. Айниқса рақс жуфтлигида Наталья Бестемьянова ва Андрей Букин ўзларини кўрсатишди. Уларнинг маҳорати ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Совет спортчилари олимпиада чемпиони бўлишди. Ҳурмат шоҳсупасининг иккинчи погонасига ҳам вакилларимиз — Марина Климова ва Сергей Пономаренко кўтарилишди. Канадалик Трейси Уилсон ва Роберт Маккол бронза медалига сазовор бўлишди.

Биатлон бўйича чанғичиларнинг 10 километрли мусобақасида ГДРлик Франк-Петер Рёч ғолиб чиқиб, олтин медални қўлга киритди. Совет спортчилари Валерий Медведцев, Сергей Чепиков ҳурмат шоҳсупасининг иккинчи ва учинчи погонасини банд этишди.

Конькида хотин-қизлар ўртасида 3.000 метрга югуришда ҳам ғолиблик учун кескин кураш борди. Бунда энг яхши натижа кўрсатган голландиялик Ивонна ван Геннип олимпиада чемпиони бўлди. ГДРлик Андреа Эриг ва Габи Цанге кумуш, бронза медалларини қўлга киритишди.

Хоккейчиларнинг дастлабки финал учрашувлари ҳам мухлислар эътиборида бўлди. Олимпиада чемпионлигига даъвогарлик қилаётган СССР терма командаси майдон эгалари — Канада хоккейчилари билан учрашди. Учрашув давомида ташаббускорликда ҳаракат қилган мамлакатимиз хоккейчилари 5:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Финляндия терма командаси ҳам илк финал матчини кўтаринки руҳда ўтказиб, рақиби — ГФР терма командаси дарвозасига жавобсиз 8 та шайба йўллади. Швеция — Чехословакия ўйинида 6:2 ҳисоби қайд этилди.

Ўйинлар жадвали

	У	Ш	О
СССР	3	17—4	6
Финляндия	3	14—4	5
Швеция	3	11—7	4
ГФР	3	5—15	2
Канада	3	3—10	1
Чехословакия	3	4—14	0

СССР терма командаси навбатдаги учрашувни Швеция хоккейчилари билан ўтказади.

ОҒИР АТЛЕТИКА

Магдебургда (ГДР) ёш штангачилар ўртасида анъанавий халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда совет спортчилари ҳам муваффақиятли қатнашдилар. Жумладан, днепропетровсклик Андрей Козловский, ашхободлик А. Ораздурдиев, грозныйлик Ибрагим Самадов, цхинвалилик Кахи Кахиашвили, киевлик Александр Холод ва минсклик Алексей Крушевич ўз вазнлари бўйича ғолиб чиқдилар.

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

— Алло, қаерга тушдим?
— Туғруқхонага, яхши қиз.
[Телефондаги суҳбатдан].

* * *

Бугун колхоз клубига Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри»си келади.
[Колхоз радиоузелидан эшиттирилган эълон].

* * *

— Агар аттестациядан эсон-омон ўтиб олсам, садака бераман.
[Атеист лекторнинг сўзи].

* * *

— Энди навбат қўшиққа. Музика тинглаб ором олинг.
[Тўй раҳсининг сўзи].

* * *

Кечқурун дадамнинг ёнига ёшгина бобой келиб, роса гап берди.
[Боланинг гапи].

* * *

Яхши от кейин чопади, дейишади. Ахир, от чангда қолса, йўлни кўрмай йиқилмайдими? Шу мақол нотўғридир-ов.
[Шубҳачи гапидан].

* * *

30 май кич соҳат 8. «Ўғрини қароқчи урди» жийноси бўлади.
[Киноафишадаги чаламачатти ёзувлардан].

И. НОРҚУВВАТОВ.

Маданий ҳаёт

Тошкент кинофестивали янгича ўтади

Ўзбекистон пойтахти — Тошкентда 24—30 май кунлари Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро X кинофестивали ўтказилади. «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори бу анжуманга анъанавий бўлиб қолган. Жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатига унда қатнашиш учун таклиф юборилди.

Фестиваль ташкилий комитетининг бош директори Азиз Тўраев маълум қилишича, уч қитъа кинематографчиларининг ана шу юбилей учрашувида илк маротаба тўлиқ метражли фильмлар конкурси ўтказилади. Кинофестивалнинг бешта асосий соврини таъсис этилди. Уларни бериш масаласини нуфузли халқаро жюри ҳал этади.

Ана шу конкурс совринларидан ташқари СССР кинематографчилар союзи, Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик Совет комитети ҳамда Лотин Америкаси мамлакатлари билан бирдамлик Совет комитети ўзларининг энг яхши деб топган ҳам тўлиқ метражли, ҳам ҳужжатли ленталарга мукофотлар топширадилар.

Шунингдек фестиваль программасига биринчи маротаба Африка мамлакатлари энг яхши киноленталарини ретроспектив намойиш қилиш киритилган. Кинофестивални ўтказишдаги ана шу янги жиҳатларининг ҳаммаси бўлажак учрашувга мусобақалашиш руҳини бағишлайди, унинг халқаро обрўсини оширади, деди А. Тўраев.

«Совэкспортфильм» раиси Олег Рудневнинг айтишича, Тошкентда кино бозори янгича ташкил этилади, унда кинопрокатчиларнинг саксондан зиёд делегацияси қатнашади. Фестиваль ташкилотчилари уларнинг эътиборига 20 та тўлиқ метражли бадиий фильм, СССР турли республикалари киносанъати намуналари ҳисобланган махсус программалар, шунингдек, саргузашт, психологик ва музикали фильмлар тўпламларини таклиф этиш ниятидадирлар. Кейинги йилларда яратилган совет кинофильмлари ёзиб олинган видеокассеталар кенг кўламда тақдим қилинади.

«Совэкспортфильм» энг яхши хорижий фильмларни сотиб олишни мўлжалламоқда. Бу, деб таъкидлади О. Руднев, СССРнинг ривожланаётган мамлакатлар билан маданий алоқаларини ривожлантиришга, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Фестивалда совет ва чет эл кинематографчилари биргаликда яратган «Шаҳризоданинг сўнгги эртаги» (СССР — Сурия), «Умид» (СССР — Мексика) ва бошқа хил ишлар ҳам намойиш этилади.

Тошкент кўриги доирасида кинематографчиларнинг профессионал клуби очилади. Фестиваль меҳмонлари ва қатнашчилари «Кино ва миллий маданият анъаналари» анжуманида қатнашиш, ҳамкасблари, Ўзбекистоннинг фан ва маданият арбоблари билан учрашиш имконига эга бўладилар.

Тошкент кинофестивалининг янгича ўтказилиши, унинг ташкилотчилари фикрига кўра, уч қитъа кинематографчиларининг ўзбек еридаги юбилей учрашуви 1988 йил маданий ҳаётининг энг катта воқеаси бўлиб қолишига ёрдам бериши керак.

Леонид КОКОВИЧ, АПН мухбири.



Юнус Ражабий номли Жиззах музикали драма театри коллективи Равшан Ерматовнинг «Ҳаёт илдизи» номли спектаклини намойиш эта бошлади. Тўғрилик, ҳалоллик ва ҳақиқатни улуғловчи асарни театр бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Г. Ҳамидуллаев саҳналаштирган. Етакчи ролларни Ғ. Йўлдошев, И. Норматов, Х. Санаев ва бошқалар ижро этишаяпти.

СУРАТДА: спектаклдан бир кўриниш.

Ш. ТЎРАЕВ фотоси.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

ОЙ ТУТИЛИШИ АЛЬБОМИ

Хитой Халқ Республикасидаги энг йирик Цзиньшань обсерваториясининг ходимлари мамлакат тарихида биринчи бўлиб Ой тутилишлари альбомини нашр этдилар. Бу муассаса коинот сирларини ўрганиш бўйича етакчи илмий-тадқиқот маркази саналади. Нашр қизиқарлиги билан эътиборга лойиқ. Унда Ойнинг 1500 йилдан ҳозирги кунгача тутилиши бўйича олиб борилган кузатишлар ва тадқиқотлар натижаси берилган.

Альбомга шунингдек бу ҳодисанинг 3000 йилгача рўй бериш эҳтимоллари ҳам киритилган.

ЁНҒИН ВА РОБОТ

Яқинда Япония пойтахти — Токиода ўт ўчирувчилар парадни ва ёнғинга қарши курашда фойдаланиладиган техника воситалари кўргазмаси ўтказилди. Унда бу табиий офатни бартараф этишда қатнашадиган 4.500 мутахассис, вертолётлар ва ёнғинга қарши курашда ишлатиладиган кемалар иштирок этди.

Улар орасида узоқ масофадан туриб бошқариладиган «Рейнбоу—5» роботи кўпчилик диққатини тортди. Олти ғилдиракли бу аппарат энг хавфли жойларга кира олиш ва икки стволидан минутига 5 тоннагача сув чиқариш қобилиятига эга.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р — 13718. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 1040. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12